Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 4 (20. 271) • 1989 йил 5 январь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

• *БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ:*

ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАН— ЗАРБДОР СУРЪАТ!

✦ Илғор бригада бошлиқларидан Темир Нарзуллаевни заводимизда ҳамма ҳурмат қилади.

У етакчилик қилаётган коллектив мусобақада мунтазам пешқадам бўляпти. Коллектив бошланган йилнинг дастлабки кунлариданоқ ҳам шижоат кўрсатяпти.

Корхонада Нарзуллаевлар оиласидан яна уч нафари меҳнат қилади. Унинг турмуш ўртоғи Латофат опа ва қизи Сабоҳатхон тола пресслаш цехида, ўғли Дилмурод эса момиқ ажратувчи бўлиб ишлайди. Уларнинг ҳаммалари меҳнат илғорлари ҳисобланишади.

Т. МАҚСУДОВ,
Ғиждувон пахта ғозалаш заводи ишчиси.

✦ Задарё районидаги «Гигант» колхози пахтакорлари ўтган йилни яхши якунлаган эдилар. Улар кўкламга ҳам пухта ҳозирлик кўраётирлар.

Ерлар шудгорлаб қўйилди. Яхоб суви бериш, маҳаллий ўғитни ташиш ишлари давом этмоқда.

Чорвадорлар ҳам долзарб дамларни намунали ўтказмоқдалар. Улар давлатга 1200 тоннадан зиёд сут, 220 тонна гўшт, 164 минг дона тухум етказиб бериб, янги йилни ҳам кўтаринки руҳда бошладилар. Чорвадорлар қиш фаслида ҳам маҳсулдорликни камайтирмаётирлар.

Т. ТОШПЎЛАТОВ.

✦ Сирдарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ленинград» колхозида экиш техникаси ремонти ниҳоясига етказилди.

Мавжуд 6 та ер текислаш мосламаси, 18 та чизель, 260 комплект борона, 27 та культиватор ва чопиқ трактори, 15 та чигит экиш, 3 та дон экиш сеялкаси сифатли ремонт қилиниб, старт чизиғига келтирилди.

Ҳусан Орзиқулов, Ашурали Шокиров, Муҳаммад Сулаймонов каби механизатор ва слесарлар, токарь Раҳим Исмоилов, пайвандчи Комил Ҳайдаров, темирчи Александр Копадзелар ҳар бир техникани беками-кўст созлашда жонбозлик кўрсатдилар.

Қ. ХОЖИЕВ.

ФОТОАХБОРОТ

Жомбой районидаги «Правда» колхозида барча юмушларни ўз вақтида, илм-фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаси асосида бажариш одат тусига кирган. Ҳозир қиш бўлишига қарамай пайкалларда иш қизғин.

Суратда: колхоз раиси Турғунбой Мелиев «Самарқандводстрой» трести кўчма механизациялашган колоннаси прораби Эргаш Уроқов ва хўжалик гидротехникги Мавлон Бўлтаков билан текислаётган ерлар схемасини кўздан кечирмоқда.

Р. ҒОФУРОВ фотоси (ЎзТАГ).

Киров районидаги «Москва» колхози кўп йиллардан бери Тожикистон ССР Ленинобод область Конибодом районидаги «Москва» колхози билан мусобақадош. Улар доимо мулоқотда бўлиб, бир-бирларининг тажрибаларини ўрганишади, зарур бўлса қимматли маслаҳатлар беришади. Ҳозир айни қиш бўлишига қарамай конибодомликлар ўзбекистонлик мусобақадошлари ишидан хабар олгани келишди.

Суратда: Конибодом районидаги «Москва» колхози бош агрономи Носир Саримсоқов, бригада бошлиғи Абдусамад Жўраев ўзбекистонлик ҳамкасблари Холмат Жаманов ва Алиназар Нишонов билан тайёрлов пунктида.

Б. ЮСУПОВ фотоси (ЎзТАГ).

Озиқ-овқат: турмушнинг энг нозик, ўткир муаммоси

ТАШВИШЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Қизилқум деганда кўз олдимизга ҳадсиз яйловлар, сурув-сурув қўйлар, эл бойлигига бойлик қўшаётган заҳматкаш чўпонлар келади. Ҳа, бу ерларни туганмас хазина деса бўлади. Унинг бағрида боқилаётган қўйлардан йилига қанчадан-қанча қиймматбаҳо қоракўл тери, гўшт, жун олинади. Лекин турғунлик йилларида қизилқумлик чорвадорлардан маҳсулот талаб қилишга зўр беришдию, уларнинг талаб-эҳтиёжлари, ташвишлари, муаммолари ҳақида ўйлаб ҳам кўришмади.

Биргина мисол. Чўпонлар йил бўйи семирган қўйларни гўшт комбинатларига юборишгани лозим. Яқин орада шундай комбинат бўлмаганлигидан жониворлар бошқа областларга, ҳатто Тошкентга жўнатиларди. Узоқ йўл юрган моллар эса ориқлаб кетарди. Ахир қўйларни бир килограмм семириши учун (яхши боқилганда!) камида ўн кундан зиёд вақт керак. Бунинг устига ем-хашак, меҳнат ва бошқа харажатлар бор. Буларнинг ҳаммаси хўжалик экономикасига ҳам, чорвадорлар даромадига ҳам салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Мамлакатимизда авж олиб кетган қайта қуриш жуда кўп тармоқларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга ёрдам бермоқда. Партия ва ҳукуматимиз экономикани интенсивлаш, ишчи кучларини, саноат корхоналарини оқилона жойлаштириш ҳисобига оз меҳнат билан кўпроқ самара олиш йўлида собитқадамлик кўрсатмоқда. Жумладан, яқинда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг мамлакат агросаноат комплексидаги коммунистларга, фермаларнинг меҳнатчиларига, барча ходимларига Мурожаатидаги **«Хом ашёни етказиб бериш, қабул қилиш ва чуқур қайта ишлаш, сифатли пировард маҳсулотни энг кўп миқдорда олиш, унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик, истеъмолчига ўз вақтида етказиб бериш юзасидан биргаликдаги аниқ ишларни ташкил этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак»,** деган сўзлар фикримизнинг далилидир.

Бундай даъватларнинг меҳнаткашлар қатори қизилқумлик чорвадорлар ҳам сабрсизлик билан кутишаётган эди. Бу йил ёз ойининг охирларида уларнинг орзуси амалга ошди. Навоий шаҳрида гўшт комбинати қурилиб фойдаланишга топширилди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Навоий қурилиш бошқармаси қурувчилари чорвадорларнинг муштоқлигини ҳис қилгандай жадаллик билан ишлашди. Объект муддатидан бир ой илгари — шу йилнинг августидаёқ битказилди.

Комбинатимиз мамлакатимиздаги мавжуд технологиянинг энг кейинги нусхаси асосида қурилди. Лойиҳа қувватига кўра у бир сменада 10 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу ерда умуман бирон нарса чиқитга чиқмайди. Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмасликнинг ҳамма чоралари кўрилган.

Келинг, аввало бундан бир неча ой олдинги аҳволга бир назар ташлайлик. Қизилқум бағрида илгари гўштга топшириладиган моллари қабул қилиб олувчи корхона йўқ эди. Шу боис уларни анча олисга темир йўл орқали жўнатишга тўғри келарди. Йўл узоқ, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар бир қўй то манзилга етгунча ўртача уч килограммдан вазн йўқотаркан. Бир йилда қизилқумлик чорвадорлар 100 минг бошдан ортиқ қўйни шу тахлитда жўнатишини ҳисобга олсак, кам деганда 300 тонна гўшт йўқотилади. Ҳолбуки, бундай аҳвол ўнлаб йиллардан буён давом этиб келган. Бунга транспорт харажатлари, озуқа, кишилар меҳнатини қўшсак, унинг давлатга қанчалик қийматга тушиб келганини билиш қийин эмас.

Комбинатимиз ишга тушгач, чорвадорлар бу йўқотишлардан, ортиқча ташвишлардан халос бўлиб, кўплаб фойда кўрмоқда. Ўтган уч ой мобайнида 60 тонна гўшт тежаб қолдик. Шунингдек биз молларни ўз транспортимиз билан ташишни ҳам йўлга қўйганмиз.

Табиийки, ҳар бир янги иш қийинчиликсиз, муаммоларсиз изга тушиб кетмайди. Улар бизда ҳам бор. Дастлабки кунданоқ ишни қандай усулда бошлаш керак, деган масала кўндаланг бўлиб турди. Юқоридагилар ҳозирча ишни эскичасига ташкил этиб, хўжалик ҳисобига бир-икки йилдан сўнг ўтишни тавсия қилишди. Коллективимиз бунга қарши чиқди. Биз бирданига хўжалик ҳисоби асосида фаолият кўрсатишга аҳд қилдик ва бунга эришдик. Норма бўйича корхонада 130 киши меҳнат қилиши лозим. Лекин меҳнат коллективи кенгаши ишчилар билан маслаҳатлашиб, барча юмушларни 110 киши билан бажаришга қарор қилди. Ҳозир шунча ишчи кучи билан меҳнат қилиб план топшириқларини ортиғи билан бажариб келяпмиз.

Айни кунларда асосий эътиборни лойиҳа қувватига тезроқ чиқиб олишга, сифат ва самарадорликни оширишга қаратяпмиз.

С. ИСЛОМОВ,
Навоий гўшт комбинати директори.

• ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

✦ РСФСР

«Пензаводопром» бирлашмасида сирланган шишадан тайёрланган сув ўтказувчи қувурлар деярли юз йил давомида зангламаслиги мумкин. Ушбу янги маҳсулотга эҳтиёж катта ва 1989 йилда унинг хиллари кўпайтирилади — яна уч хил диаметрдаги қувурлар ишлаб чиқарила бошлайди.

✦ ГРУЗИЯ ССР

Транскавказ автомагистрали участкаларидан бирида ўзига хос қурилма ишлатила бошланди. У йўлларни тоғ жинслари силжиши ва қор кўчкиларидан сақлайди. Қурилма бир-бири билан ўзаро боғланган эски автопокришкалардан иборат. Грузия гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институти ишлаб чиққан бу усулдан, шунингдек, дарё ва денгиз соҳилларини ювилиб кетишдан сақлаб қолиш учун ҳам фойдаланилади.

✦ ТУРКМАНИСТОН ССР

Туркманистоннинг Саят районидаги Куйбишев номли колхоз чўпонлари ўз отарларини улар учун ем-хашак жамғариб қўйилган Нурёғди дарасига олиб келишди. Бу ерда 200 метр чуқурликдаги қудуқ қазилиши ниҳоясига етказилди, натижада 3 минг гектардан кўпроқ қақроқ ерларни суғориш имконияти пайдо бўлди. Яйловларни қудуқ суви билан суғориш оғир жараён бўлса-да, иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Бу усул ер ости ичимлик сувлари бўлган ерларда, айниқса, самарали ҳисобланади. Хўжаликлар бундай жойларда ўт-ўланларга бой бўлган ўн мингдаб гектар майдонлардан кўпинча сув йўқлиги сабабли фойдаланмайдилар.

✦ ЛАТВИЯ ССР

«Қачонлардир Европада...» фильми йигирманчи-ўттизинчи йиллар музикасига бағишланган. Шу фильм намойиши билан Рига видеомаркази иш бошлади. Кинорежиссер Андрей Слапиньш қўлига илк бор видеокамера олишига қарамай бу асарни «Видеофильм» Бутииттифоқ бирлашмаси аъло баҳоладди. Рига киностудиясининг хўжалик ҳисобига ўтиши эса суратга олувчи группалар сонини анча қисқартириш билан бирга, бу фильмни жуда қисқа муддатда томошабинларга тақдим этиш учун имконият яратди.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг 2 январь куни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ю. П. Баталин ўтказган навбатдаги амалий мажлисида Арманистоннинг Ахурян районидаги зилзиладан вайрон бўлган Жажур қишлоғининг бош плани макети тақдим этилди.

Офат рўй берган зонадаги қишлоқ ва аҳоли пунктларининг 111 та шундай бош плани 20 январгача ишлаб чиқилади. Барча иншоотлар 9 балли зилзилага бардошли тарзда қурилади. Ҳар бир бош план қишлоқ йиғилишларида муҳокама қилиниб, аҳолининг ўзи якка тартибдаги иморатларнинг лойиҳаларини танлаши мумкин.

Республика Министрлар Совети Кировакан, Ленинакан, Спитак шаҳарларининг бош планлари лойиҳаларини тасдиқлади. Барча лойиҳалар, деб таъкидланди мажлисда, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилади.

Офат рўй берган зонада газ таъминоти, канализация, водопровод, йўл ва коммуникациялар тармоқларини тиклаш ишлари муваффақиятли давом эттирилмоқда. Маҳаллий саноатнинг вайрон бўлган ва шикастланган 70 та корхонасидан 31 таси маҳсулот бера бошлади. Иттифоқ қарамоғидаги учта йирик корхона 30—40 процент қувват билан ишлай бошлади. Офатдан зарар кўрган районлардаги одамларни актив меҳнат фаолиятига жалб этиш зилзила оқибатларини тугатишнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифалардан бири эканлиги айтиб ўтилди.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг вакили зилзила соғлиқни сақлаш муассасаларига катта зарар етказганлигини маълум қилди. Шундай муассасалардан салкам 250 таси бутунлай вайрон бўлди, 300 тадан кўпроғи яроқсиз ҳолатдадир. Табиий офатдан кўрилган зарар 500 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этади. Бироқ медиклар зилзиладан кейинги дастлабки кунларданоқ жабрдийдаларга ёрдам кўрсатишнинг пухта системасини йўлга қўйдилар. Зилзила жабрдийдаларнинг руҳига салбий таъсир қилди. Шу муносабат билан республика психиатрия хизматининг куч ва воситалари жадал ихтисослаштирилди, руҳий ўзгариш содир бўлган беморларга ёрдам бериш ва уларни бошқа жойларга кўчириш системаси ишлаб чиқилди. Ереванда жабрдийдаларни руҳан тиклаш маркази ташкил этилди.

СССР ташқи ишлар министрининг вакили коммерция асосида республиканинг вайрон бўлган социал-маиший ва саноат объектларини тиклаш ҳамда реконструкциялаш ишида халқаро ҳамкорлик бошланаётганлиги тўғрисида маълум қилди. ГФР, Япония, Италия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг бир қанча фирмалари билан қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мажлисда Арманистон ССР Министрлар Совети шанига танқидий мулоҳазалар айтилди. Министрлар Совети чет эллардан ва иттифоқдош республикалардан келаётган ёрдам юкларининг тақсимланишини етарлича пухта контрол қилмаяпти.

Офат рўй берган районлардан кўчириб кетилганлар 109696 кишига етганлиги, улардан 70310 киши Арманистондан ташқарига кўчириб кетилганлиги ҳақида маълум қилинди. Зилзила зонасидаги санитария-эпидемиология вазияти нормал.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг навбатдаги амалий мажлисида Арманистонга юк билан келган составларнинг ўз вақтида бўшатиб олинишини таъминламаётган министрликлар ва идораларга партиявий таъсирни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Мажлисни 4 январь куни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ю. П. Баталин ўтказди.

Мажлисда вагонларнинг юкини бўшатиб олиш билан боғлиқ вазият танг вазият деб аталди. Масалан, 3 январнинг ўзидагина бу ерга келган 2144 та вагондан атиги 1525 тасининг юки бўшатилди.

Мажлисда Ленинаканда зилзила оқибатларини тугатиш қандай бораётгани тўғрисидаги ахборот тингланди. Комиссия Ленинакан штабининг аҳолига самарали медицина хизматини йўлга қўйиш учун Россия, Қозоғистон ва Арманистондан учта санитария поездини тузиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

Ҳозирги вақтда шаҳарда 45 та озиқ-овқат магазини, 10 та сабзавот, 3 та нон, 10 та саноат моллари магазини, шунингдек 73 та умумий овқатланиш корхонаси ишлаб турибди.

Комиссия аҳолини газ билан таъминлаш муваффақиятли тикланаётганлигини мамнуният билан таъкидлади. Чунончи кейинги кунларда Ленинаканда 920 та квартирага газ кела бошлади. Яқин вақт ичида яна 1300 та квартира газ билан таъминланади. Шаҳар аҳолиси ва қурувчиларини яшаш учун вагончалар билан таъминлашни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг аъзоси, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян иштирок этди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига бағишланадиган Пленумига тайёргарлик кўриш мақсадида ана шу муаммоларни республика меҳнат коллективларида ва партия ташкилотларида, жамоатчилик, ижодкор зиёлилар вакиллари ўртасида, оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилишни ташкил этди.

Муҳокама чоғида меҳнаткашлардан тушган жуда кўп таклифлар 3 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш, Идеология, социал-иқтисодий ривожланиш масалалари, ҳуқуқий масалалар комиссиялари, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг миллатлараро муносабатлар доимий комиссиясининг қўшма мажлисида кўриб чиқилди.

Бўлиб ўтган фикр алмашув чоғида КПСС Марказий Комитетининг Пленумига кўрилаётган тайёргарлик, республика меҳнаткашларини ғоят қизиқтираётганлиги таъкидланди. Меҳнаткашлар конкрет таклифлар тақдим этишар экан, мамлакатда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш масалаларини муҳокама қилиш, бу масалалар юзасидан совет халқлари бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга қаратилган амалий қарорлар қабул қилиниши муҳимлиги ва зарурлигига аминдирлар. Мажлис қатнашчилари бир қанча қўшимча таклиф ва фикр-мулоҳазаларни билдирдилар, буларни Марказий Комитет комиссиялари умумлаштиради.

Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов олиб борди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

КОМИССИЯ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг «Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш тўғрисида»ги бўлажак Пленумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишда зўр манфаатдорлик билан қатнашмоқдалар. Бунда СССР халқларининг тилларини эркин ривожлантириш ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш масалалари каттагина ўрин тутади. Ўзбек, рус тиллари ва СССР халқларининг бошқа тилларини ўрганишни яхшилашга янгича, янада самаралироқ ёндашувларни излаб топишга ҳамда шу тилларнинг социал функцияларини кучайтиришга, миллий-рус икки тиллилигини янада такомиллаштиришга, СССР халқларининг бирлигини ва қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашвоситаси сифатида миллатлараро муносабатларни ўйғунлаштиришда унинг ролини оширишга қаратилган таклифлар айтилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология комиссияси республикада тилни ривожлантириш истиқболларига, СССР халқларининг тилларини эркин ривожлантириш ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш тўғрисидаги СССР қонунини тайёрлашга доир таклифларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ҳамда ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ишчи группасини тузди. Комиссия олимлар, мутахассисларни, барча меҳнаткашларни ушбу масалалар хусусидаги мактубар ва мурожаатномаларни қуйидаги адресга юборишларини таклиф қилади: 700163, Тошкент, Ўзбекистон проспекти, 43, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, тил муаммоларини ўрганувчи группа.

• *СССР халқ депутатлари сайлови олдидан*

ТАШСЕЛЬМАШЧИЛАРНИНГ СЎЗИ

«Ташсельмаш» заводи меҳнат коллективи вакилларининг йиғилиши бўлди. 22-цех бошлиғининг ўринбосари А. Г. Вегнер 115-Тошкент-Ҳамза миллий-территориал сайлов округидан Р. Н. Нишоновни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди. Бу таклифни ҳозир бўлган кишилар қизғин маъқуллашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Рафиқ Нишонович Нишоновни 115-Тошкент-Ҳамза миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор бердилар.

Қўшгина коллективлар цех йиғилишларида 15-цех автоматчи-токарлар бригадири Ю. И. Степаненкони 597-Тошкент-Ленин территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида таклиф киритдилар.

Уни заводда йигирма саккиз йилдан кўпроқ вақтдан бери биладилар. Шу вақт ичида Юрий Иванович ўз ишининг моҳир устаси бўлди, кўпгина шогирдлар тарбиялади. У халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати сифатида катта иш олиб бормоқда, дейишди 15-цех бошлиғининг ўринбосари Н. И. Подрубилин ва сўзга чиққан бошқа кишилар.

1-цех бошлиғининг ўринбосари Б. И. Шапиро бошқа номзод сифатида ўз коллективи номидан цех ремонтчислесари С. Н. Стерликовни кўрсатишни таклиф қилди. У Стерликовни тажрибали, ўсадиган мутахассис, актив жамоатчи, деб таърифлади.

Овоз бериш чоғида «Ташсельмаш» заводи автоматчи-токарлар бригадири Юрий Иванович Степаненкони 597-Тошкент-Ленин территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини кўпчилик ёқлаб чиқди.

Йиғилиш иштирокчилари 115-Тошкент-Ҳамза миллий-территориал сайлов округи ва 597-Тошкент-Ленин территориал сайлов округи меҳнат коллективларига мурожаат қилиб, ўзлари СССР халқ депутатлигига кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

(ЎзТАГ).

ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШЛАРИ ТАВСИЯСИ

3 январь куни Тошкентда Ўзбекистон республика хотин-қизлар кенгаши президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда хотин-қизлар кенгашларидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан Қорақалпоғистон республика, областлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашлари киритган таклифлар кўриб чиқилди.

Республика хотин-қизлар кенгаши президиуми қўйи ташкилотларнинг тавсияномаларини кўриб чиқиб, Шаҳрисабз район касалхонасининг бош врачи Фотима Бадалбоевани, Тошкент область касаба союз Советининг секретари Дилбар Муҳаммадхоновна Ғуломовани, Тахтакўпир районининг «Тахтакўпир» совхозидаги шоличилик бригадасининг бошлиғи Омонгул Избосаровани, Қува районидаги «Анор» совхозининг директори Мастураҳон Сайфиддинованн, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти директорининг ўринбосари Раъно Ахатовна Убайдуллаевани СССР халқ депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш учун Совет хотин-қизлари комитети муҳокамасига тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ)

Давра суҳбати мавзуи қайта қуриш жараёнида комсомол ташкилотлари жанговарлигини, комсомол аъзоларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш муаммоларига, комсомолнинг илгариги обрў-эътиборини тиклаш масалаларига бағишланди. Суҳбат чоғида Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги В. И. Ленин имзо чеккан тарихий декрет асосида амалга оширилган улкан ишларда комсомол-ёшларнинг ўрни ва роли ҳақида, комсомол ташкилотларининг давр талабидан келиб чиқадиган муҳим вазифалари тўғрисида сўз борди.

ОТАШҚАЛБ ЁШЛАР ҚАНИ?

• «Совет Ўзбекистони» газетаси ҳамда Сирдарё область партия ва комсомол комитетларининг давра суҳбати

Гуландон СУБҲОНОВА, область партия комитети идеология бўлими мудирининг ўринбосари: Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи яқинда ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонлади. Бугунги кунда 2 миллион 840 мингдан зиёд йигит ва қизларни бирлаштириб турган республика комсомоли ҳам тарихий йўлни босиб ўтди. Мамлакатимизда қайта қуриш жараёни ўзига хос паллага кирган даврда ҳар бир комсомол аъзоси, ҳар бир комсомол ташкилоти бу ишга қандай ҳисса қўшаётганлиги тўғрисида ўз-ўзига ҳисоб бериши даркор. Сир эмас, турғунлик йилларида комсомол ўзининг илгариги обрў-эътиборини, шуҳратини бир қадар йўқотди. Комсомол ташкилотлари номигагина фаолият кўрсатадиган бўлиб қолди. Эндиликда эса бундай тарзда ишлаб бўлмайди. Шижоаткор, сергайрат, ҳар томонлама чуқур билимли, тадбиркор комсомолларни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Бунинг учун партия ва комсомол ветеранларининг тарихий, шонли йўлини ўрганишимиз, уларнинг анъаналарини давом эттиришимиз, ривожлантиришимиз, тажрибаларига суянишимиз лозим. Ҳар бир комсомол аъзосида донмо қайта қуриш жараёнининг олдинги сафида бўлиш, ташаббускорлик кайфиятини вужудга келтиришимиз даркор.

Муҳиддин КАРИМОВ, партия ва комсомол ветерани: Эсимда, 1948 йили республика комсомолининг XII съездида Усмон Юсупов сўзга чиқиб, Мирзачўлни ўзлаштиришда комсомоллар амалга ошириши мумкин бўлган ишлар ҳақида гапирганди. Шундан сўнг Андижон область комсомол комитети бу муҳим ишга 4 минг нафар комсомол ва ёшларни йўллаш ҳақида ташаббус билан чиқди. Ўша даврда мен чўлнинг дастлабки забткорлари қатори келгандим. Ҳаммаёқ тақир чўл, қамишзорлардан иборат эди. Пашша кўз очирмасди. Аммо шароитдан, ишнинг қийинлигидан нолимадик. Комсомол йўлланмаси билан келган, деган сўзни оқлаш учун бутун вужудимиз билан ҳаракат қилардик. Демоқчиманки, комсомол-ёшлар авангардлигини ошириш, комсомол ташкилотлари жанговарлигини таъминлаш учун аввало комсомол аъзоларида топширилган ишга нисбатан чуқур масъулият ҳиссини кучайтириш даркор.

Зокир САНАҚУЛОВ, уруш ва меҳнат ветеранлари область кенгаши раиси: 20—30 йилларда комсомол ҳақиқий яратувчи куч эди. Унинг ғоясидаги, таъсир кучи катта эди. Қишлоқларда деҳқонлар комсомолнинг гапига қаттиқ ишонардилар. Комсомол агитаторлар ишни жон-дилдан бажаришарди. Комсомол билети ниҳоятда қадрланарди. У давр комсомоллари ҳам ўт-олов эди. Иш деса, инқилоб ғоялари деса жонини фидо қилгуси эди. Нега ҳозирги ёшларимизнинг кўпи шундай эмас? Бу фақат турғунлик йилларининг асоратими? Ёки кейинги йилларда комсомолда сиёсий-тарбиявий, умуман идеология ишларининг мутлақо бўшашиб кетганлигидами?

Назаримда, ҳамма ишни оиладан бошлаш керак. Чунки ҳамма тартибсизлик, бебошликлар оилада тўқликка-шўҳлик муҳити, шароити юзага келганидан бошланяпти. Ваҳолонки, инсон боласи ёмон бўлиб туғилмайди... Бироқ ҳозир ҳеч қаерда ишламай, ота-онасига юк бўлиб олган ёшлар кўп. Шу боис ҳам хонадонларга дадил кириб бориш, ота-оналар билан суҳбат ўтказиш керак. Мактабларда ўқитувчилар, раҳбарлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш лозим. Ҳозирги комсомолнинг катта камчиликларидан бири, унинг ветеранлар билан алоқаси йўқлигидадир. Ана шу муҳим ва зарур мулоқотни тиклаш керак. Мен область комсомол комитетининг илгариги биринчи секретарига тадбирлар ўтказиш планини тузиб берган эдим. Бироқ бундан натижа бўлмади.

Исмоил ЭРБЕКОВ, область комсомол комитетининг биринчи секретари: Фикрингизга қўшиламан, Зокир Санақулович. Сиз комсомол шанига айтган танқидий фикр-мулоҳазалар тўғри. Бу аччиқ ҳақиқат. Ҳозирги кунда ҳам айрим комсомол ташкилотлари секретарлари бригада, мактаб йўлини билмайдилар. Бўшанг, пассив комсомоллар оз эмас. Бу кечирилмас ҳол. Бироқ ҳозирги кунда ҳам жойларда комсомол ташкилотларига партиявий раҳбарликнинг етарли бўлмаётганлиги, комсомол кадрларига баъзан лоқайдлик билан қаралаётганлиги гувоҳи бўляпмиз. Масалан, 1987 йили «Фарғона» совхоз-техникуми бригадири, комсомол аъзоси Қобил Ражабов планни бажарганига қарамай, совхоз директори Комил Умаров уни ўзбошимчалик билан ишдан бўшатди. Бу ҳақда район, область газеталарида танқидий мақолалар берилгачгина Қ. Ражабов ўз вазифасига тикланди.

Биз ВЛКСМ XX съездидан сўнг ўз ишларимизни қайта таҳлил қилдик. Комсомол ташкилотлари ишини жонлантиришга, ёшларнинг авангардлик ролини оширишга интиляпмиз. Халқ хўжалигининг ҳал қилувчи участкаларида комсомол-ёшлар коллективлари сонини кўпайтириш ва уларнинг иш фаолиятларини такомиллаштириш энг муҳим вазифаларимизданди. Ҳозир областимизда минглаб ана шундай коллективлар иш олиб боряпти.

Чўлга комсомол йўлланмаси билан келган ва келаётган комсомол-ёшларнинг шу ерда доимий ишлаб қолишларига эришиш, бунинг учун уй-жой, маданий-маиший, социал муаммоларни ҳал қилиш даркор. Шу боис биз ёшлар турар жой комплекслари қурилишини, якка тартибдаги уй-жойлар қуришни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, Оқолтин районидаги комсомол-ёшлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар сусайиб кетди. Кўпгина ўқув даргоҳларида бўламан. Ҳатто Абдулла Набиев, Майна Ҳасанова, Тўйчи Эрйигитов, Александр Матросов, Зоя Космодемянская каби жасур комсомолларнинг қаҳрамонликлари ҳам етарли даражада пропаганда қилинмайди. Қолаверса, мактабларда, бошқа ўқув даргоҳларида ёшларни комсомол сафига группа-группа қилиб қабул қилиш ҳоллари давом этаётганлиги ачинарлидир. Комсомолга ўтишга пухта тайёргарлик кўрмаган бундай аъзолар билан жанговарликни ошириб бўлмайди-ку! Аксинча, ҳозирги пайтда худди партия ташкилотларида бўлаётганидек, комсомол ташкилотларида ҳам устав талабларига жавоб бермайдиган, пассив ёшларни комсомол сафидан чиқариш керак.

Жўрақул ТУРАЕВ, Совет Иттифоқи Қаҳрамони: — 1937 йилда ВЛКСМ сафига киргандим. Ўшанда комсомол аъзолигига кираётганларга Устав талабларини тўлиқ ўрганишдан ташқари аъзо ўқиш, албатта бирор жамоат топшириғини бажариш, фаол бўлиш каби шартлар қўйиларди. Оғир уруш йилларида ҳам, ҳатто окопларда комсомол мажлислари ўтказиларди. Ҳозирги комсомол ташкилотлари секретарлари онда-сонда ўтадиган йиғилишларга ҳам ўз аъзоларини тўлиқ йиғолмайди. Сабаби, юқорида таъкидланганидек, ўша комсомол аъзолари ўз хоҳиши, интилиши билан ВЛКСМ сафига кирмаган ёки ўз ҳаёти, ўқиш ва меҳнат фаолиятида комсомол ташкилотининг таъсирини сезмайди.

Қулмамат МУРОДОВ, Зомин район комсомол комитетининг биринчи секретари: — Комсомол ташкилотлари жанговарлигини ошириш, уларнинг фаолиятини қайта қуришга партия ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг ёрдами, қўллаб-қувватлаши жуда зарурдир. Аммо ҳар доим ҳам бундай ёрдамни сезмаяпмиз. Бир мисол: 1986 йилда «Янги ҳаёт» совхози комсомол комитети қарори билан комсомол аъзоси Эркин Муқимов ВЛКСМ сафидан чиқарилганди. Совхоз дирекциясидан унга нисбатан маъмурий чора кўриш сўралди. Бунга тўла асос бор эди. Аммо бунинг ўрнига совхоз раҳбарлари уни бош ирригатор вазифасига кўтаришди. Эндиликда у комсомол ташкилоти устидан ошкора кулиб юрибди.

Яна бир масала. Меҳнат коллективлари раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг айрим секретарлари комсомол ташкилотлари йиғилишига расмий таклифдан кейин ҳам қатнашмайдилар. Уларнинг бевосита розилигисиз эса коллектив фаолияти билан, моддий маблағ билан боғлиқ бирор ишни мустақил бажариб бўлмайди. Демакки, қабул қилинаётган қарорларнинг ижроси ҳам, кўтарилаётган ташаббуслар ҳам қоғозда қолиб кетаверади.

Комил ШОДИЕВ, Дўстлик районидаги «Комсомол» совхози комсомол-ёшлар звеноси бошлиғи: — Хўжалигимиз бригадаларида коллектив, оила, звено ва ижара пудрати асосида меҳнат қилишга ўтиб, кўпгина муаммоларни ижобий ҳал этяапмиз. Звеномиз коллективи бултур 65 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Ҳосил йиғиш-теримига, айниқса пухта ҳозирлик кўрдик, унинг дастлабки кунлариданоқ юксак суръат ва сифат учун курашиб, натижада йиллик пахта тайёрлаш планини 5 иш кунида бажардик. Умуман, ҳар гектар ердан 31,7 центнердан ҳосил олиб, халқ хўжалиги планини 120 процентдан оширдик. Давлатга биринчи сортда топширилган 208 тонна «оқ олтин»нинг ҳаммаси «зангори кема»лар ёрдамида териб олинди. Дастлабки ҳисоб-китобларимиз 1 центнер пахта етиштириш учун пландаги 37 сўм 10 тийин ўрнига 18 сўм 26 тийин сарфланганлигини кўрсатмоқда. 9 ойда жами 37786 сўм тежашга эришилди. Звеномиз ҳар бир аъзосининг ўртача иш ҳақи ойига 500-550 сўмданга тўғри келмоқда. Буни ижара пудратининг шарофати, деса бўлади! Менимча, комсомол ташкилотлари ўз фаолиятларини ҳамма ерда ижодий изланиш асосида ташкил этсаларгина обрў-эътибор қозонадилар.

Жавод КЎЧИЕВ, Янгиер районидаги «Коммунизм» колхози раиси, Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор:

— Назаримда чўлнинг бундан буёнги тақдирини коллектив пудрат усули, асосан ижара пудрати ҳал этади. Шунинг учун ҳам омма ўртасида буни кенг тарғиб қилиш, аҳолига тушунтириш керак. Зеро, ҳеч ким янгича ишлашдан чўчимасин. Бунга муваффақ бўлиш эса асосан комсомол-ёшларимизга боғлиқ. Областимизни пахтачиликни комплекс механизациялаш мактабига айлантириш, оила, звено, коллектив, ижара пудрати асосида меҳнат қилиб ҳосилни студент-ўқувчилар, шаҳарлик ҳашарчиларнинг ёрдамисиз йиғиб-териб олишга эришиш даркор. Бу эса область, умуман, республика комсомоли зиммасига катта вазифалар юклайди. Комсомоллардан дадиллик, қатъийлик ва шижоаткорлик талаб этади.

Николай НЕКРАСОВ, партия ва комсомол ветерани: — Ҳар бир комсомол ёшда, ҳар бир инсонда коммунистик эътиқодни тарбиялаш керак. Биз ўтмиш йилларимизнинг ана шу жанговар шиорини тамоман унутиб қўйдик. Бир вақтлар Осоавиахим кучли уюшма эди. Ҳозирги ДОСААФ иши эса мутлақо ётиб қолган, унга эътибор йўқ. Тарбиявий ишнинг эса кўплаб қирралари бор. Масалан, кейинги йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда янги жиҳатлар юзага келди. Ҳозир, айниқса интернационал жангчилар тажрибасидан, куч-ғайратидан фойдаланишнинг таъсири, самараси катта бўлади. Шу боис биз ҳарбий-ватанпарварлик бирлашмаси туздик. 2,5 мингдан зиёд киши ҳарбий-ватанпарварлик ишларида қатнашиш истагини билдирди. Умуман, ҳарбий-ватанпарварлик ишларини қайта кўриб чиқиш, жойларда ҳарбий-ватанпарварлик клублари ташкил этишни тезлаштириш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг қизиқарли, янгича шакл ва услубларидан фойдаланиш лозим.

Валерий МАЛЬЦЕВ, «Интернационалчи» клуби кенгаши ва ДОСААФ Гулистон шаҳар комитети раиси: Николай Некрасович, мен сизнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини қайта кўриб чиқиш керак, ДОСААФ фаолияти сусайиб кетган, деган фикрларингизга қўшиламан. Бизнинг клубимиздаги 19 нафар интернационалист жангчи, 4 ветеран ҳозир ана шу ишларни жонлантириш ташаббуси билан чиқишмоқда. Бироқ мендан олдин сўзлаган комсомол тенгдошларим таъкидлаб ўтишганидек, биз доимо партия, совет органларининг кўмагига, қўллаб-қувватлашига жуда муҳтожмиз. Биргина мисол: ўтган йил июль ойида ёш интернационалист жангчилар ташаббуси билан шаҳримизда «Ёш десантчи» ҳарбий-спорт клуби ташкил этилди. Бироқ белгиланган 10 та оталиқ ташкилотининг барчаси клубимизга маблағ ажратишдан бош тортди. Гулистон шаҳар ижроия комитети эса ўз қарорининг бажарилишига панжа орасидан қарамоқда.

КПСС Марказий Комитетининг запасдаги ёш жангчилар Бутуниттифоқ йиғини якунлари тўғрисидаги ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитети секретариатининг «Запасдаги ёш жангчиларнинг ташаббуси ҳақида»ги қарорлари областда умуман бажарилмаяпти. Ваҳолонки, интернационалист жангчиларнинг ташаббуси билан ташкил этилаётган ҳарбий-ватанпарварлик клублари ва бирлашмаларига, шунингдек, ҳарбий-спорт клублари, тўгарак ва секцияларига маҳаллий бюджетдан 2 процент миқдорида маблағ ажратилиши керак. Область, шаҳар, район ижроия комитетлари эса бу ишни пайсалга солмоқдалар. Бунақада ёшларни армия хизматига тайёрлашда, уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайдиган ташаббус нима бўлади?

* * *

Давра суҳбатида комсомол ташкилотлари, комсомол-ёшлар ҳаётидаги бошқа кўплаб масалалар ҳам кўтарилди. Ҳалқ бажарилмаган ишлар салмоғи катта. Чунончи, комсомол ташкилотларида комсомол аъзоларини ҳисобга олиш ишини тартибга солиш, ВЛКСМ сафига энг муносиб ёшларни саралаб қабул қилиш, комсомол сиёсий ўқувини яхшилаш, комсомол ёғилишларини, таъсирчанлигини ошириш, қишлоқда турмуш маданиятини яхшилашда комсомолнинг ролини кучайтириш каби масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, суҳбат ёшга қизиқарли таклифлар ҳам билдирилди. Комсомолнинг барча даражадаги сайлаб қўйиладиган органлари аъзолари ҳисоботларини улар ҳисобда турган бошланғич ташкилотларда тез-тез эшитиб бориш, жойларда комсомол ёшида бўлган барча ёшларга таллуқли масалаларни бевосита комсомолнинг актив иштирокида ҳал этиш, область ва район матбуоти комсомол ҳаётини чуқурроқ ва мунтазам ёритиб бориши лозимлиги тўғрисида фикрлар айтилди.

Хуллас, комсомол ўз фаолиятида ташкилий, сиёсий-тарбиявий, идеологик ишларни, янгича шакл ва услубларини қўллаши, изланувчанлик ва ташаббускорлик, ижодкорлик ва яратувчанлик меҳнати асосида ўзининг аввалги обрў-эътиборини, шаъни-шавкатини тикламоғи даркор.

Давра суҳбатини «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари Б. САТТОРОВ ва О. НАЗАРОВ ёзиб олдилар.

ПАРТИЯ МАМЛАКАТИМИЗ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР БЎЛГАН ҲОЗИРГИ ДАВРДА КОМСОМОЛНИНГ, МАМЛАКАТИМИЗ БУТУН ЁШ АВЛОДИНИНГ ЖУДА КАТТА ҚУДРАТИГА, УЛАРНИНГ ДАДИЛЛИГИ ВА ТАШАББУСИГА, ҚИЗҒИН ИШЛАРГА ИНТИЛИШИГА, ҚОЛОҚЛИК ВА БЮРОКРАТИЗМГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗ БЎЛИШИГА УМИД БОҒЛАЙДИ.

(КПСС Марказий Комитетининг ВЛКСМ 70 йиллиги муносабати билан табрик хатидан).

Дунё овози

Махфий программа

Буюк Британия билан Америка Қўшма Штатлари ривожланаётган мамлакатларга давлат экономика секторини унинг тасарруфидан чиқаришда ёрдам бериш мақсадида «махфий программани» бажаришга киришдилар.

«Гардиан» газетасининг хабар беришича, Лондон ҳам, Вашингтон ҳам мазкур мамлакатлардаги ўз вакилларига жўнатган инструкцияларда уларга давлат тасарруфидан чиқарилиши мумкин бўлган объектларни аниқлаш ва ўз хулосаларини маҳаллий маъмурларга етказиш ҳақида кўрсатма берилади. Программа муаллифларининг фикрига кўра, экономика хусусий секторига бериш мумкин бўлган соҳалар қаторида темир йўл тармоқлари, телекоммуникациялар, шунингдек ҳаво йўллари ҳам бор.

АҚШ — ФОТ мулоқотлари

Оқ уй матбуот секретарининг ўринбосари Р. Попадьюк Лос-Анжелесда журналистлар билан бўлган суҳбатда Тунисда Американинг шу мамлакатдаги элчиси Р. Пеллетро билан Фаластин Озодлик ташкилотининг вакили Х. Балавий ўртасида учрашув бўлиб ўтганлигини маълум қилди.

Учрашувда асосий эътибор Яқин Шарқдаги аҳволга доир масалаларга қаратилди. Р. Попадьюкнинг уқтиришича, учрашув расмий тусда бўлмаган. Ҳозирги пайтда, деди у, АҚШ билан мазкур ташкилот ўртасида мулоқотни давом эттириш учун ФОТ вакиллари билан яна учрашувлар ўтказиш борасида ҳеч қандай режалар йўқ.

(ТАСС).

Сталин номини олиб ташлаш тўғрисида фармон эълон қилинди

УЛАН-БАТОР, 3 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Фармони эълон қилинди, унда чегара қўшинлари отрядига ва жамоат хавфсизлиги министрлиги ички қўшинлари қисмига, давлат марказий кутубхонасига, республика пойтахтининг марказий кўчаларидан бирига И. В. Сталин номини бериш тўғрисида илгари чиқарилган фармонлар бекор қилинди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ БРАЗИЛИА. Бразилия ҳарбий ҳаво кучлари самолёти Сан-Паулу шаҳридан Москвага учиб кетди. Самолётга 24 тонна юк — дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ортилган, бу юклар Арманистонда зилзиладан жабрланганларга ёрдам учун юборилди. Бу Бразилияда арман жамоаси махсус ташкил этган «Сос—Армения» комитетининг ташаббуси билан йиғилган моддий ёрдамнинг бир қисмидир.

✦ ВАШИНГТОН. АҚШ ва СССР ўртасида йўлдош орқали дастлабки бевосита компьютер тижорат алоқа линияси ишга тушди. Бу линия автоматлашган системалар илмий тадқиқот институти билан Американинг «Сан-Франциско — Москоу телепорт» (СФМТ) ва «Глоубнет» компаниялари ўртасида эришилган битимга мувофиқ ташкил этилди.

✦ ЛУСАКА. Бу ерда «Таймс оф Замбия» ва «Сандэй таймс оф Замбия» газеталари бундан буён президент сайловларидан сўнг тузилган мамлакат барча матбуот органлари бошқармаси назорати остида бўлиши эълон қилинди. Бу бошқармага ҳозир президент томонидан тайинланган Жозеф Милимо-Пинабанту раҳбарлик қилмоқда.

✦ ВАШИНГТОН. Келажакда шахсий компьютер қандай бўлади! У экранининг ҳажми ён дафтарга тенг келадиган кичик қурилма бўлиб, видеофильмлар намойиш этади, одамлар гапини тушунади ва улар овозини қайта эшиттира олади, ўз эгасига ҳар қандай иншо билан ва ҳар қандай компьютер маълумотлари банки билан амалда боғланиш имконини беради. «Вашингтон пост» газетасининг хабар қилишича, машҳур «Эппил компьютер» фирмасининг мутахассислари худди шундай фикрни билдирмоқдалар.

(ТАСС).

• Интернационализм—ҳаётимиз қонуни

АХУРЯН—ЁШЛАР БУНЁДКОРЛИГИ РАЙОНИ

• Телефонда: Арманистон

Арманистон диёридаги кучли ер силкиниши «Узагростройи» бирлашмасининг 1989 йилдаги янги қурилишлар кўламини кенгайтириб юборди. Қардошларимиз бошига тушган мусибатнинг индивидуал Ўзбекистон қишлоқ бинокор-ёшларининг дастлабки отряди зарур техника билан етиб борди.

«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири И. АХМЕТОВ кеча телефон орқали Арманистон билан боғланиб, Ахурян районида бунёдкорлик намуналарини кўрсатаётган Тошкент «1-Агропромстрой» трести бошқарувчиси ўринбосари А. РУСТАМБЕКОВ, Чирчиқдаги 424-хўжаликлараро нхтисослашган механизация кўчма колоннаси автокран машинисти А. ҚУРБОНОВ ҳамда «Узагромежхозпроект» институти архитектори М. УМАРОВ мулоҳазаларини ёзиб олди.

А. РУСТАМБЕКОВ: — Зилзила Арманистондаги Ахурян районни хўжаликларига ҳам катта талафот келтирди. Бу район Спитак шаҳри билан туташ бўлиб, саккиз қишлоқдаги уйларнинг 1200 таси бутунлай яроқсиз ҳолга келганлигини кўрдик.

Етиб келган кунимизнинг эртасигаёқ механизаторлар ва бошқа касбдаги бинокорлар майдонларни тозалаш, бузилган объектлардаги ускуналарни ажратиб олиш, янги объектлар қурилишига тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар. Бу ерда 100 миллион сўмликдан кўпроқ бунёдкорлик ишларини бажаришга бел боғладик. Икки йил мобайнида 1210 та уй-жой ва коттеж барпо қилинади. 500 та уйни шу йил қуриб топширмоқчимиз.

Бунинг учун январь ойининг ўзидаёқ дастлабки уйларнинг пойдевори тикланиб бўлиши керак. Ҳозир бутун эътибор шунга қаратилган. Ёшлар коллективлари уй-жой бинолари билан бир қаторда мактаблар, болалар боғчалари, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, клублар ҳамда магазинлар, ошхоналар ва ҳаммомлар, ишлаб чиқариш объектларини ҳам барпо қиладилар.

А. ҚУРБОНОВ: — Бирдамлик ва ҳамкорлик нималарга қодир эканлигини арман дўстларимиз ўлкасидаги ҳозирги жасорат намуналари аниқ кўрсатиб турибди. Ана шу таассурот мени ва шеригим Василий Катаванни табиий офат рўй берган жойга тезроқ келишга ундади. Биз бошқараётган автокран зилзила марказида бетиним ишлаб турибди. Кўпгина кўнгиллилар билан бир сафда туриб вайрон бўлган биноларни қайта тиклаш ишларида фаол қатнашмоқдамиз.

Сафимизда колоннамиздан келган ғаргарма машиналар ҳайдовчилари А. Демин, Я. Шверблюм, Э. Жемилов ва бошқалар бор. Улар ишнинг юришиб кетишига амалий ёрдам кўрсатаётирлар. Тошкент яқинидаги Юбилей посёлкасида жойлашган 1-қишлоқ уй-созлик комбинати коллективи ҳам энг яхши бетончилар ва пайвандчиларни, арматурачилар ҳамда бошқа касбдаги кишиларни Арманистонга йўллади.

М. УМАРОВ: — Институтимизнинг бир группа мутахассислари арман лойиҳачилари билан ҳамкорликда Ереванда меҳнат қилмоқдалар. «Узагромежхозпроект» институтига масъулиятли вазифа — бинокорлик ташкилотларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан тезроқ таъминлаш юклатилган. Январь ойининг ўзида дастлабки иш чизмаларини топширамиз.

Ҳамкасбларимизга катта талаблар қўйилган. Тўққиз баллдан ҳам кучлироқ зилзилага бардош бера оладиган иморатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишимиз зарур. Айни пайтда арман халқи меъморчилигининг ўзига хос анъаналарига ҳам амал қилишимиз зарур.

Институтимизга Ахурян районининг уч посёлкаси — Жаджур, Камо ва Карнут посёлкаларининг бош планларини бутунлай янгитдан ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон лойиҳачилари Арманистонга ёш мутахассисларни тобора кўпроқ йўлламоқда. «Узгипросельхозпроект» институтлари ёшлари ҳам бошқа беш посёлка лойиҳаларини қисқа муддатда тайёрлаб беришга аҳд қилдилар.



СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. «Сирдарё» темир йўл станциясидан Тошкент ва Сирдарё области меҳнаткашларининг зилзиладан зарар кўрган Арманистон ССР халқига ёрдам учун тўплаган озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ва дори-дармонлар пешма-пеш жўнатилмоқда.

Суратда: контейнерларни вагонларга юклаш пайти.

Г. Пун фотоси (УзТАГ).

БЕМИННАТ ЁРДАМ

✦ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти коллективи бу ерда бўлиб ўтган йиғилиш қарорига кўра Арманистоннинг зилзила оқибатидан кучли зарар кўрган аҳолисига бир кунлик иш ҳақини юборишга қарор қилди.

✦ Республика санитария маорифи уйи коллективи ўзларининг 1988 йил ҳисобига ажратилган 1170 сўм мукофот пулини ёрдам тариқасида Арманистонга ўтказдилар.

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК

ИЛМИЙ МАРКАЗ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтида Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари бўйича илк бор ягона гербарий илмий маркази ташкил топди. Наботот марказининг очилиши ва унинг фан оламига қўшажак ҳиссаси борасида мухбиримиз шу институт директори, биология фанлари доктори Уктам Протовга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Гербарийларни йиғиб келиб жойлаштириш ишлари билан олимларимиз шуғулланишмоқда, — дейди директор. — Гербарийларни тартибга келтириш ходимларимиздан ўта сезгирлик ва масъулият талаб этади.

— Гербарийлар қаерлардан олиб келинди?

— Авваламбор, бундай ноёб марказнинг бизда ташкил этилгани қувонарлидир. Ўсимликшунос олимларимиз узоқ йиллардан буён ана шундай «фан хазинасини» ташкил этиш борасида кўп уринган эдилар. Мамлакатимиз узра юз берган қайта қуриш жараёни туфайли ҳам бу илмий марказнинг институтимизда очилиши мақсадга лойиқ деб топилди. Гербарийларни В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалари химияси институти, республика Маданият министрлигика қарашли табиат музейидан ва бошқа бир қатор жойлардан йиғиб келдик. Биргина ТошДУдан 70 мингга яқин ноёб ўсимлик турларини олиб келганмиз.

— Гербарийларнинг тарихи борми?

— Бўлмасам-чи. Бизга келтирилган гербарийларнинг энг эскилари 1840 йилда тўпланган. Умуман гербарийларни тўплашда жаҳонга машҳур, таниқли олимларнинг хизматлари катта бўлган. Анчагина гербарийларни А. И. Введенский, М. Г. Попов, Е. П. Коровин, В. П. Бачалцев, И. А. Райкова ва бошқалар тўплаган.

— Гербарийларни тўплашнинг моҳияти нимадан иборат?

— Дарҳақиқат, шуни очиқ айтишим керакки, турли муассасалардаги гербарийлардан ҳамма фойдаланавермасди. Биология фанининг қонуниятларида эса, бирон бир илмий жараённи ҳал этишда таққослаш асосий ўринни эгаллайди. Ана шу борада катта ғовлар мавжуд эди. Энди эса марказлашган жойда бундай муаммоларни ҳал этиш бирмунча енгиллашади. Бундан ташқари гербарий Ўрта Осиё региони ва Қозоғистон ССРдаги бутун ўсимликлар ҳақида маълумот ва ахборот берувчи «хазина»дир. Бу ердаги гербарийлар орасида ССРнинг турли иқлим шароитига мос ҳар хил ўсимликлар намунаси ҳамда Ер шарининг бошқа минтақаларидан келтирилган наботот турлари бор.

Гербарий марказининг аҳамияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ундан тадқиқотчи-олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари фойдаланадилар. Ҳар хил ўсимлик оиласига, туркумига оид монографиялар, рисолалар, ўқув қўлланмалари ёзишда зарур бўлади. Шунингдек, ўсимликларни билиш ва ўрганишда, тафовутлашда, уларнинг «Қизил китоб»га киритилган турлари билан танишишда қўл келади. Илмий марказга тўпланган гербарийлар бир миллионга яқин. Ундан мамлакатимиз олимлари эмас, балки хорижий юрт тадқиқотчилари ҳам фойдаланиши мумкин.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

КУРАШЧАНЛИК

Яқин ўтмишда битилган хатлар, бугунги куннинг уларга берган шарҳлари ва баҳолари

ХАР сафар матбуотда калондимоғ амалдорга айланиб қолган навбатдаги раҳбарни фош қилувчи навбатдаги мақола пайдо бўлганида наҳотки, у билан ёнма-ён софдил, ҳалол киши бўлмаган, деб ўз-ўзингга савол берасан. Умуман турғунлик даврида бизнинг раҳбариятимизда соғлом кучлар бўлганмиди! Ёки кўзга жуда таниш бўлиб қолган Медунов—Мерзлий, Рашидов—Одилов ва бошқа шунга ўхшаш иккиликлар бизда снёсий раҳбарнинг қўл остидаги кишиларга муносабатини акс эттирувчи бирдан-бир мумкин бўлган моделмиди! Булар шунчалик саволлар, агар ҳақиқатан ҳам ўша пайтда бизда соғлом кучлар бўлмаганида, у ҳолда бугун орадан беш-олти йил ўтгач, улар қаердан пайдо бўлиб қолди! Эътиборингизга тақдим этилаётган материал, бизнинг фикримизча, шунчаки маънавий ва снёсий сабоқларнинг ўзидангина иборат эмас.

БУ кишиларнинг бир-бирига қарама-қарши эканлигини очиқдан-очиқ ифоталовчи биринчи хат бундан йигирма йилдан кўпроқ олдин ёзилган. Мактуб муаллифи ўша пайтда республика Кинематография давлат комитети раисининг ўринбосари эди.

«Ўртоқ Рашидов Ш. Р. га

Шароф Рашидович!

Яқинда «Ўзбекфильм» киностудияси сендан бир мактуб олдики, сен унда «Икки дил достони» сценарийсидан ўз муаллифлигингни олиб ташлашни сўрабсан. Сен бу хатинг билан ўзингнинг фақат ёзувчигина эмас, балки коммунист ва раҳбар сифатидаги қиёфангнинг айрим жиҳатларини шу пайтгача тўсиб турган пардани олиб ташлагандай бўлдинг.

Хўш, ўзи нима бўляпти? Сен 1958 йилдан бошлаб «Икки дил достони» фильми яратилиши учун бутун куч-ғайратингни ишга соляпсан. Ўша йилларда мазкур фильм сценарийсининг авторлари деб сенинг ва В. Витковичнинг номлари эълон қилинди. Сен бу фильмни Ҳиндистондаги кинофирмалардан бири билан ҳамкорликда яратишни амалга оширишга интилиб келдинг. «Ўзбекфильм» киностудиясининг вакиллари Ҳиндистонга бир неча марта бориб келишди. Ҳиндистондан эса бизларга келишди. Бунга жуда кўплаб давлат маблағи сарфланди. Ниҳоят, ҳинд томони бу ишда қатнашишдан бош тортгач, фильм устидаги иш тўхтатиб қўйилди.

Шундан сўнг сен фильмни турли юбилей саналаригa атаб чиқаришни кўзда тутдинг. Бироқ уларнинг ҳаммаси сценарийнинг янги вариантини ёзиш билан чекланиб қолаверди.

Эндиликда сен ҳеч кутилмаганда муаллифликдан воз кечяпсан. Гап бу ерда, Шароф Рашидович, сенинг бандлигингда эмас. Важ-карсонларинг сенинг сувдан қуруқ чиқиш истагида эканлигингни, бу хунук воқеадан ими-жимида қутулмоқчи эканлигингни ошкора қилади. Сенда виждонни ўртага қўйиб, партиявийчасига бу сценарийни яратишда ҳеч қандай иштирок этмаганлигингни, адиб сифатида шуҳрат қозониш мақсадида ўз фамилиянгни В. Витковичга ва бошқаларга ижарага берганлигингни тан олиш учун жасорат етмади.

...Ўзингни кинодраматургияда машҳури жаҳон қилиш истагини фақат мазкур сценарий билан чеклаб қўймадинг. Сен ўз муаллифдошларинг билан киностудияга «Янги ер» сценарийсини топширдинг. Унга янги баҳода 7800 сўм тўланди. У бутунлай яроқсиз асар сифатида брак қилинди. Сенинг фамилиянг ниқоби остида Тошкентда ўзига хос пинҳоний адабий фирма ташкил этилганлигига, у давлат маблағи ҳисобига кун кечираётганлигига, бироқ Совет давлатига бир тийинлик ҳам фойда келтирмаётганлигига оид бошқа мисоллар ҳам бор.

Сен фақат киностудияни эмас, балки республика нашриётларини ҳам отамерос мулкингга айлантирдинг. Сенинг асарларинг неча марта ва қандай тиражларда босилаётганлигини ҳисоблаб кўр. Биргина «Кашмир қўшиғи»нинг ўзи алоҳида китоб шаклида етти марта нашр этилди. Аммо бу ҳам сенга кам кўринди. Шу китоб асосида балет ҳам яратилди.

Тошкентда сенга муаллифдош бўлган кишиларнинг асарларини нашр этишни адабиёт манфаатлари йўлидаги иш деб изоҳлаш мумкинми? Нима учун Тошкентда москвалик ёзувчиларнинг фақат сен билан алоқаси бўлганларинигг асарлари нашр этилади?

Мен бу хатга шу жойда нуқта қўя олмайман. Мен ўзим билган ва тушунган сендаги хулқ-атворнинг манбаларини кўрсатиб ўтишим керак. Унинг сабаблари ҳақида лом-мим демаслик коммунистга муносиб эмас.

1959 йил бошларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида Марказий Комитет биринчи секретарлиги лавозимига сенинг номзодинг қўйилиб, муҳокама этилаётганда фикрлар бўлинди. Сенинг номзодингга қарши республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, академик М. Муҳаммаджонов қарши чиқди. У сенинг район, шаҳар ва область партия органларида раҳбарлик ишларида тажриба орттирмаганлигингни, республика экономикасини, айниқса, қишлоқ хўжалигини билмаслигингни кўрсатиб ўтди. М. Муҳаммаджоновни бошқалар, шу жумладан, мен ҳам қўллаб-қувватладим.

Сенинг номзодингга «розилар» ва «қаршилар» сони баравар чиққач, сендан шу масала хусусида фикр билдиришни сўрашди. Сен «розилар»га қўшилдинг ва Марказий Комитет биринчи секретари бўлиб олдинг.

Бюрода сенинг номзодингга қарши чиқанларнинг аҳволи кейин қандай бўлди? Орадан уч йил ўтар-ўтмай, Бюро составида ўшаларнинг бирортаси ҳам қолмади. Сен уларнинг ҳаммасини қисиб чиқардинг. Марказий Комитет иккинчи секретари Р. Мельниковни ҳам, академик М. Муҳаммаджоновни ҳам, республика Министрлар Советининг Раиси О. Алимовни ҳам, мени ҳам, Марказий Комитет Бюроси аъзоси А. Бизовни ва бошқа ўртоқларни ҳам шундай қилдинг.

Аммо бу кадрлар соҳасидаги тартибсизликнинг бошланиши эди, холос. Сен республика раҳбарлигида кадрларни беқарор лаштирдинг. Сенинг бу лавозимда ишлаётган йилларингда ҳозирдаёқ Марказий Комитетнинг тўрт нафар иккинчи секретари, қишлоқ хўжалиги бўйича беш секретари, саноат бўйича тўрт секретари, идеология бўйича икки секретари алмаштирилди. Барча областлар партия комитетларида учтўрттадан секретарь алмаштирилди. Раҳбарликнинг қуйи даражаларидаги, колхозлар ва совхозларгача бўлган бўғинлардаги кадр алмашишлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Рязань области маълум ташаббус билан майдонга чиққанида сен орқада қолишни истамадинг. Сенинг шахсий кўрсатманг билан 1960 йилда республика бўйича икки йиллик план ҳажмида давлатга гўшт ва сут сотиш мажбурияти қабул қилинди. Бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш бўйича ҳам оширилган мажбуриятлар олинди.

1960—1962 йилларда пахта тайёрлаш планининг барбод этилганлиги айби ҳам асосан сенинг бўйнингда. Ахир КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленуми минбаридан туриб, пахтага тўланадиган нархни камайтиришни талаб қилган сен эмасми?!

Сен Марказий Комитет биринчи секретари бўлгунга қадар республикада маҳаллийчилик ва миллий маҳдудлик асосан тугатилган эди. Сен келгач, бундай ҳодисалар қайта тиклана бошлади. Хўш, раҳбарлар ўртасида ўз-ўзини ўлдириш юз бераётганлигининг сабаблари нимада? Нима учун республика Олий суди раисининг ўринбосари Усмонов, Қўқон шаҳар партия комитетининг секретари Қориев, ЎзССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Эргашев ва бошқалар ўз жонларига қасд қилдилар? Нима учун жамоат тартибини муҳофаза қилиш министри Жалилов ўз вазифасидан олиниб, унинг ўрнига Яҳёев тайинланди. Яҳёев ҳам сен каби Самарқанддан бўлгани учун шу ҳол юз бердими?

Сенинг иккиюзламачилигинг ҳақида индамай ўтолмайман. Яхшиси, битта мисол келтирай. Н. С. Хрушчевга лаганбардорлигинг ва тилёғламалигингга чегара йўқ. Сен шундай деган эдинг:

«Халқ хўжалигининг барча тармоқларида бўлгани каби совет пахтачилигидаги туб ўзгаришлар ўртоқ Хрушчев номи билан боғлиқдир. Пахтачилик эндиликда мустаҳкам техника тараққиёти асосида ривожланаётган экан, бунинг учун биз Никита Сергеевичнинг донолигидан, дадиллигидан ва принципиаллигидан, унинг пахтакорлар меҳнатини енгиллатиш тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилаётганлигидан миннатдормиз.

Ўзбекистон халқлари бутун қалб қўрлари билан, чин юракдан Никита Сергеевич Хрушчевни ўзларининг энг яқин дўсти, ўзларининг энг қадрдон ва севимли мураббийлари деб биладилар».

Эндиликда сен Н. С. Хрушчевга нисбатан ўзингни қандай тутяпсан? Уни ўзбошимча, ҳаддидан ошган, ўзингни эса гўё унинг қурбони деб атаяпсан.

Сенга яна бир фактни эслатиб ўтмоқчиман. 1960 йил охирларида Ўзбекистонга Ўртоқ Суслов келди. Марказий Комитет Бюросида сен Жанубий Мирзачўл каналини тантанали суратда, ўртоқ Суслов иштирокида ва қатнашуви билан очишни таклиф этдинг. Бироқ канал қурилиши ҳали битмаган эди! Уни очиш халқни алдаш ва ўртоқ Сусловни алдаш эди. Мен обком секретари сифатида бундай «тантанали» очиш маросимига қарши чиқдим. Чунки бу канал бизнинг областимиз территориясида қурилаётган эди. Аммо сен ўз фикрингда қаттиқ туриб олдинг. Тантанали маросимлар ўтказилди, нутқлар сўзланди, митинг тугаши ва ўртоқ Суслов жўнаб кетишч билан канални ёпиб, уни қуриб битказишга киришилди.

Шароф Рашидович! Яна кўп нарсаларни ёзиш мумкин эди. Бироқ хат чўзилиб кетди. Партия раҳбари ўзини «бошқаларга мумкин бўлмаган нарсалар менга мумкин» принципи асосида иш тутишга ҳаққи йўқ, у булоқ сувидек мусаффо бўлиши лозим. Аммо сен ундай эмассан.

Р. ҒУЛОМОВ
1965 йил 31 июль».

Ҳа, коммунист Расул Ғуломов шундай мактубни «биринчи»га юборди. Кўрниб турибдики, у оддий коммунистлардан бўлмай, Марказий Комитет Бюроси аъзоси ва Тошкент область партия комитети секретари бўлиб ишлаган коммунист. Шуларнинг ҳаммасини «биринчи»нинг юзига айтмаслик — демак, унинг ҳаёт тарзини қабул қилиш, ўзингдан, ўз принципларингдан воз кечишинг демак эди. Юзма-юз туриб айтиш мумкин эди. Бироқ уни эзиб ташлашлари, эҳтимол, жисмонан йўқ қилишлари ҳам мумкин эди. Шу боис Ғуломов бу хатнинг нусхасини Брежневга юборади.

Хўш, Москва қандай йўл тутди! Бу ҳақда шу адресга юборилган қуйидаги мактуб жавоб берди.

«КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Брежнев Л. И.га

Қадрли Леонид Ильич!

Қарийб тўрт ой муқаддам мен ўртоқ Рашидовга унинг фаолиятига тааллуқли айрим масалалар юзасидан хат билан мурожаат қилган эдим. Мени ўртоқ Рашидовга ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришга ва унинг фаолиятида мавжуд бўлган яроқсиз нарсаларнинг авж олаётганлигини огоҳлантиришга ундаган бирдан-бир қуч партиявий виждоним бўлди. Мен унда керакли хулоса чиқариб олиш учун партиявийлик топилади, деб ўйлаган эдим. У эса менинг мактубим «мазмунини текшириш» йўлини танлади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бевосита ўртоқ Ш. Р. Рашидовга бўйсунадиган шахслардан иборат комиссияси тузилди. Улардан бири, партия органлари бўлимининг мудири ўртоқ Г. М. Орлов мен билан суҳбатда ҳақораташгача бориб етди. Мен кўнгли қолдирилган киши бўлганим учун фактларни бузиб кўрсатармишман. Мени жавобгарликка тортиш керак эмиш.

Иш ўртоқ Рашидовни оқлашга, мени эса жавобгар шахс аҳволига солиб қўйишга қараб кетаётганлиги сезилиб турибди. Назаримда, илгари бўлганидек ўртоқ Рашидов қўлидаги чексиз ҳокимият устун чиқадиганга ўхшайди.

Мени суҳбатлашиш учун КПСС Марказий Комитетига чақириб олишларини ёки КПСС Марказий Комитетининг комиссиясини юборишни, у мактубим моҳиятини холисона текшириб кўришини илтимос қилишга мажбурман. Бу илтимос мендан ўч олишларидан қўрқиш билан боғлиқ эмас. Мен ҳамма вақт партиявий ҳақиқатга ишониб келганман.

Р. ҒУЛОМОВ
1965 йил 5 декабрь».

Ғуломовни КПСС Марказий Комитетига чақиришмади. Комиссия юборишмади. Бу ўринда «биринчи шахс» Рашидов партиявий ҳақиқат соҳиби бўлиб қолаверди. Бу аҳвол йилдан-йилга ўтаверди.

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Брежнев Л. И.га

Ҳурматли Леонид Ильич!

Ўртоқ Рашидовга унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари лавозимидаги фаолиятига оид айрим масалалар юзасидан хат юборганимга салкам уч йил бўлди. Бунинг учун мен афсусланмайман. Аксинча ўзимнинг ҳақлигимга бўлган ишонч янада мустаҳкамланди. У партиявий ахлоқ нормаларидан четга чиқишларга барҳам бериш у ёқда турсин, бундай четга чиқишларни чуқурлаштириб юборди.

Мен ўз мактубимда ўртоқ Рашидов кадрларни кўпинча уларнинг шахсий садоқати, қариндош-уруғчилик ва юртдошлик белгиларига қараб танламоқда ва тайинламоқда, деб кўрсатган эдим. У хулоса чиқариб олдими? Укаси С. Рашидов республика Халқ контроли комитети раисининг ўринбосари бўлиб олди. Қариндоши Ў. Ориповни соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлашди. Дарвоқе, ўртоқ Рашидов ўзининг капитал ремонтдан чиққан кошонасини унга ҳадя этди. Ўртоқ Рашидовнинг қариндоши Азимов Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг раиси бўлди. Яна бир қариндоши Ҳамроқулов эса Самарқанд область ижроия комитетининг раислигига тайинланди. Бошқа мисоллар ҳам бор.

1967 йил ноябри бошларида ўртоқ Рашидов туғилган куннинг 50 йиллиги нишонланди. У Ленин ордени билан мукофотланди. Барча республика газеталари ва журналларида у ҳақда кўплаб мақтов мақолалари, портретлари босилди. Маданият министри ўртоқ В. Зоҳидов Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида ёзган «Нафосат ижодкори» деган махсус китоб нашр этилди.

...Лаганбардорлик ва хушомадгўйлик ўртоқ Рашидовнинг кўнглига мойдай ёқди. У раҳбарлик лавозимларига лаганбардорлар, хушомадгўйлар, тилёғлама шахсларни қатъият билан кўтара бошлади. Карасев, Привалов, Виткович, Цапулин каби унинг муаллифдошлари ва таржимонлари учун нашриётларнинг эшиклари ланг очиб қўйилди. Улар ҳар йили ўз асарларини катта-катта тиражларда нашр эттирмоқдалар. Журналлар ва газеталар саҳифаларини тўлдирмоқдалар. Марказий Комитет меҳмонхонасида, ҳукумат чорбоғларида ойлаб истиқомат қиладилар.

Энди Н. С. Хрушчев асарлари тўпламидан битта цитата келтирай:

«...Ўртоқ Рашидов мен билан суҳбатда қизиқ фикрни билдирди. Ўзбекистонда шундай колхозлар ва совхозлар борки, улар нўхат экиб, май ойида ҳосилни йиғиштириб олдилар. Олимлар ва амалиётчиларнинг кузатувига кўра, нўхат йиғиштириб олингач, чигит экиш ва гўзани парваришлаш учун вақт етарли қолади. Агар бундай таклиф амалиётда кенг қўлланилса, у ҳолда пахтакор республикалар пахта етиштирувчи йирик республикалар бўлибгина қолмай, гўшт ва сут етиштирувчи йирик ишлаб чиқарувчиларга ҳам айланади».

Ўз қадрини билган биронта ҳам пахтакор бундай авантюрага юрмаслиги кундай равшан. Ўртоқ Рашидов пахта далаларида нўхат экиш таклифи айтганида пахтачиликни ривожлантириш манфаатларини ўйламаганлигига имоним комил. У амалда ўртоқ Хрушчевни алдаб, унинг ишончига чуқурроқ кириб бориш ва унга ҳар томонлама ёқишни истаганлигидан шундай қилган.

Сизнинг XIX Москва шаҳар партия конференциясида айтган қуйидаги сўзларингиз тўла-тўкис ўртоқ Рашидовга ҳам таалуқли эканлигига ишонгим келади:

«Кейинги йилларда бизда кадрларга нисбатан чуқур ишонч руҳи қарор топди. Бу жуда яхши иш, ўртоқлар. Ишонч кишиларга ғайрат бағишлайди. Аммо ходимларга ишончнинг ошиб бориши, катта мустақиллик берилиши уларнинг фаолияти устидан назоратни бўшаштириш демакдир, деб ўйлаган кишилар ҳақли эмас. Партия ўз кадрларига ишонган ҳолда, топширилган иш учун ҳар бир кишидан тўла ҳисоб беришни талаб қилиб келди ва бундан кейин ҳам талаб қилади, партия ва давлат интизомини бузганлиги учун эгаллаб турган лавозими ва ўтмишдаги хизматларидан қатъи назар қаттиқ жавобгар қилади».

Р. ҒУЛОМОВ,
1968 йил 24 июнь».

Барча совет кишилари каби Ғуломов ҳам, Рашидов даражасидаги раҳбарларни оддий ахлоқ нормаларига риоя қилишга мажбур этиш мумкин, деб ишонгиси келарди. Брежнев даражасидаги раҳбарлар уларнинг жиловини тортиб қўйишлари мумкинлигига ишонгиси келарди. Бироқ ўша пайтда лоқайдлик, кўнгилчанлик, турғунлик даври бошланиб келаётганлигини, бу давр қарийб ўн беш йилга чўзилишини ким ҳам биларди.

«Қадрли Леонид Ильич!

Шундай қилиб, мана, ўн беш йилдан ошдики, мен ўртоқ Ш. Р. Рашидовга ёқмай қолганман. Унинг менга бўлган муносабати 1965 йил 31 июлда ёзган хатимдан сўнг, айниқса, ёмонлашди. Бу хатнинг нусхасини Сизга юборган эдим. Шундан бери мени таъқиб қиладилар, туҳматлар ёғдирадилар, қўрқитмоқчи бўладилар, кузатадилар, гап-сўзларимга ўғринча қулоқ соладилар ва ҳоказо. Мен билан дўстона алоқаларни давом эттираётганлар қўрқиб қолганлар. Менинг энг яқин қариндошуруғларимни таъқиб қилишмоқда. Устимдан аризалар уюштиришмоқда. Турли-туман миш-мишлар ва уйдирмалар тарқатилмоқда. Лекин нима учундир бу аризалар ва хатларни менга кўрсатишмайди, мендан тушунтириш талаб қилмайдилар. Буларнинг ҳаммасини мен орқаворотдан эшитиб қоламан.

Масалан, 1970 йил майида менга республика Ички ишлар министрлиги аппаратининг ходими қўнғироқ қилиб, ички ишлар министри ўртоқ Яҳёев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига менинг ва Министрлар Советининг собиқ Раиси О. А. Алимовнинг жиноятчи унсурга моддий жиҳатдан қарам эканлигимиз ҳақидаги хатни юборганлигини айтиб огоҳлантириб қўйди.

Ички ишлар министрлиги ходимлари билан бир қаторда республика Давлат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари Л. Н. Мелкумов ҳам мени бадном этувчи материаллар тўқишда иштирок этди...

Бундай фактларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Гап фактларнинг миқдорида эмас, уларнинг моҳиятида.

Леонид Ильич, мен Сиздан фақат бир масалада ёрдам беришингизни сўрайман. Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг. Мен бундан буён шундай вазиятда ишлашим ва яшашим мумкинми? Мен партияга, унинг ғоясига содиқман. Агар партия олдида бирон-бир гуноҳ қилган бўлсам, ҳар қандай жазога тайёрман. Агар айбдор бўлмасам — мени ўзбошимчалик ва дўқ-пўписалардан халос этинг.

Р. ҒУЛОМОВ
1974 йил».

Йўқ. Леонид Ильич ўзини унинг ўрнига қўйиб кўрмади. Уни ҳимоя қилмади.

Қарийб яна ўн йил тазйиқ билан ўтди. Брежнев ўлди. Орадан бир йил ўтгач, бу жудоликни кўтара олмагандай Рашидов ҳам ўлди. Гўёки, табиатнинг сабр тоқати тугаб, танг аҳволга тушган жамиятнинг снёсий муаммоларини ўзи ҳал этишга киришгандай эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўн олтинчи пленуми одамлар орзу-умидларини уйғотгандай бўлди. Бироқ, кейинчалик маълум бўлишича, унинг шамоли тепалаб ўтиб кетди.

«Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига,

Ўртоқ Усмонхўжаев И. Б. га

Мен 1984 йил ўн иккинчи октябрда Сизнинг номингизга юборган хатимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўн олтинчи пленуми қарорларини қўллаб-қувватлаган ҳолда юзага келган оғир аҳволнинг бош айбдори — Рашидовнинг биринчи секретарь лавозимидаги фаолияти давридаги ишлар аҳволига ўз муносабатимни билдирган эдим. Менга нима учун унинг номи пленумда очиқ-ойдин айтилмаганлиги қороғи эди.

Мен Сизга: «Рашидов ва унинг атрофидаги яқин кишилар республиканинг снёсий, маънавий, шунингдек, иқтисодий потенциалига жуда катта зарар келтирдилар. Ўн олтинчи пленумнинг Рашидов ҳаётлигидаги пайтида рўй берган воқеаларни қоралаганлиги билан унинг В. И. Ленин музейи қаршисига дафн этилганлиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биноси жойлашган проспект унинг номи билан аталганлиги, биринчи беш йилликлар қурилиши бўлган, пойдевори республиканинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев томонидан қўйилган Тошкент тўқимачилик комбинати эндиликда Рашидов номи билан аталаётганлиги ўртасида қандай мувофиқлик бор?» деб ёзган эдим.

Шундан бери бир ярим йил ўтди. Сиз мени суҳбатлашишга таклиф қиласиз ва менинг илтимосларимни холисона кўриб чиқасиз, деб умид қилган эдим. Бироқ шундай бўлмади.

Бунинг ўрнига менинг атрофимда қандайдир ғалати ишлар бошланди. Рашидов даврида бўлгани каби мени бадном қилувчи материалларни яна тўплай бошладилар.

1985 йил 8 июлда мен Марказий Комитет маданият бўлими мудири Мадикарамова ҳузурига чиқарилдим. У Марказий Комитет Секретариати номидан эгаллаб турган лавозимимдан озод этилганлигимни маълум қилди. Эртасига у коллективимизга янги ходимни таништирди ва гўё мен Марказий Комитетга пенсияга чиқаришларини илтимос қилганлигимни ва шу сабабли ишдан бўшатилганлигимни айтди.

Табиийки, бундай хатти-ҳаракатларни тўғрисўз кишилардан ўч олиш деб баҳолашдан бошқа иложим йўқ.

Р. ҒУЛОМОВ
1986 йил 9 апрель».

Вақт ҳаммани ва ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Биз республикада бундан кейинги воқеалар қай тусда ривожланиб борганлигини, раҳбарлик алмашлаб ким келганлигини яхши биламиз. Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, партия ветерани қатъият, изчиллик, муросасизлик билан, бироқ муваффақиятсиз равишда мурожаат қилган киши вазифасидай олинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратидаги вазият ўзгарди. Одамларга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Ниҳоят, Ғуломовга унинг барча ҳуқуқлари қайтариб берилди. Уни уруш ва меҳнат ветеранлари республика Совети раислигига,кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий Совети Раислигига сайлашди. У XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати бўлди.

Ҳамма иш силлиқ битди, дейиш мумкинми! Эҳтимол, шундай бўлгандир. Аммо Рашидов сингарилардан бошланган ёвузликка қаршилик кўрсатиш, қарама-қарши туришнинг сабоқлари фақат шу билангина муҳимми!

Ҳа, вақт ҳамма нарсани ўзгартирди. «Рашидовчилик» сўзи «брежневчилик» билан бир қаторда турғун феодал-соцкализмнинг синонимига айланди. Ўзбекистонда ҳамма ерда машаққатли покланиш ишлари бормоқда. Республика ҳар хил рутуботлар ва хавотирликлардан халос бўлмоқда. Бор ган сари кўплаб янги кучлар турмушни соғломлаштириш жараёнига қўшилмоқдалар. «Рашидовчилик»нинг бўғувчи зулми остида букилмаган одамлар ана шу кучларнинг ўзаги бўлиб қолишди.

Баъзан, бу одамлар ўз ўжарликлари билан бошларига бало орттиришдан бошқа нималарга эришдилар. Ахир, рашидовлар барибир мамлакатни идора қилишда давом этдилар-ку, деган сўзларни эшитишга тўғри келади!

Унга битта жавоб бор. Рашидовлар ҳар кунн ва ҳар соатда халқ виждони қаршилигига дуч келаётганларни ҳис этмаганларида эди, ким билсин, улар яна қандай ёвузликларни амалга оширган бўлардилар.

Нашрга тайёрловчилар:

Ю. ЗАРЕЧКИН ва В. СОКОЛОВ.

(«Литературная газета», 1988 йил 28 декабрь).

● ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

«ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН» БИЛАН ЯНГИ УЧРАШУВ

Буюк композитор Пётр Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операси мамлакатимиз бадиий маданиятининггина эмас, балки, жаҳон музика санъатининг ноёб намуналаридан ҳисобланади. Дунё йирик театрларининг барчаси аллақачон худди шу асарни саҳналаштирган, артистлари ўлкан синовдан ўтишган. Санъатшунослар операни ўзига хос, бетакрор маҳорат мактаби деб эътироф этишади.

Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта опера ва балет театри ҳам «Евгений Онегин»ни анча йил бурун ўз мухлислари диққат-эътиборига ҳавола этган эди.

Мана, театр операга яна мурожаат этди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Олег Узоқов «Евгений Онегин» операси асосида янги спектакль саҳналаштирди.

Суратда: «Евгений Онегин» спектаклидан бир кўриниш. Татьяна ролида Вера Григорьева, Онегин — Ринат Титеев.

А. Рисқиев фотоси (ЎзТАГ).

● *МАКТАБ ИСЛОҲОТИ МУАММОЛАРИ*

ТАЖРИБА БОР, АММО...

Ўрта ва ҳунар мактаби ислоҳотини амалга ошириш даги депсинишлар сабаблари ҳақида кўп гапирилмоқда. Тўғри, мактаб педагогика коллективлари ўқув-тарбиявий жараённи қайта қуриб, муайян натижаларга эришдилар. Ислоҳот коллективларда ижодий изланишларни оширди.

Буни мактабимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Методик ишларга муносабат ўзгарди, ўқув жараёни яхшиланди. Ўтган ўқув йилида IV-VIII синф ўқитувчилари ўртасида педагогик суҳбат ўтказилди. Унда ўқувчиларнинг ўзлаштира олмаслик сабаблари аниқланиб уларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Чунончи ўқувчилар билан ўзлаштира олмаётган фанлари бўйича қўшимча машғулотлар йўлга қўйилди. Натижада бундай ўқувчилар сони кескин қисқарди.

Ўқитувчиларимиз бунинг учун анча-мунча жон куйдирдилар. Улар семинар — дарс, конференция — дарс, мунозара — дарс, синов — дарсларини қизиқарли ўтказишга эришдилар. Ўқувчиларда ўқишга қизиқиш кучайди, уларнинг фаоллиги ошди. Бироқ Қори Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институти, Ушинский номли ўқитувчилар малақасини ошириш марказий институти ва бошқа мутасадди ташкилотлар бу борада яқиндан ёрдам бермаётир. Дарсларни ўтиш учун ҳанузгача методик тавсиялар бериш ҳақида қайғуришмаяпти.

Билимларни муваффақиятли эгаллашнинг муҳим шарт-шароитларидан бири — тўғараклар ишини йўлга қўйишдан иборат. Биз фан тўғараклари бўйича машғулотлар ўтказишдек анъанавий усулдан воз кечдик. Битта ёки иккита группадан иборат фанлараро секциялар ташкил этдик. Ҳар бир группага 30-60 нафар бола жалб қилинди. Секцияга ўқитувчи раҳбарлик қилади. Секциялар ўқувчилар илмий жамиятига бирлаштирилди. Унинг ишига юқори синф ўқувчилари бош-қош. Секция машғулотлари ойда камида бир марта ўтказилади. Ўқувчилар илмий жамияти ўз матбуотига ҳам эга. Унинг аъзолари турли учрашувлар, кечалар, мунозаралар уюштиришда мунтазам қатнашмоқдалар. Икки ойда бир марта ўтказиладиган умумий йиғилишда ўқувчилар илмий жамияти фаолиятидаги айрим масалалар муҳокама қилинади. Барча ташкилий ишларни болаларнинг ўзи ҳал этади.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда тарбиявий характердаги тадбирлар нумигагина юзаки ўтказидиши болаларни бир қадар совутиб қўйди. Биз ана шундай юзакичиликдан воз кечдик. Мактабда қизиқишларига қараб «Панорама» (халқаро алоқаларни чуқур ўрганадиганлар учун), «Дугоналар» (юқори синф қизлари учун), «Қизиқарли давралар оламида», «Ёш атеист», «Ёшлик» клублари ташкил этилди. Дўстлик интернационал клубимиз тажрибаси Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети секретариати томонидан ўрганилиб, республикага кенг ёйиш ҳақида тавсия этилди.

Педагогика коллективимизнинг муваффақияти бундан ҳам яхши бўлиши керак эди. Бироқ ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг кўплиги бунга ҳалал бераётир. Ўқув-моддий базамизнинг ҳолати шу куннинг талабига жавоб бермайди. Турғунлик йилларида республикамизда халқ маорифи бинолари ғоят кам қурилди. Шунинг учун ҳам биз ислоҳотни тайёрланмаган ҳолда бошлаб юбордик. Бу эса айрим қийинчиликларни юзага чиқармоқда. Аниқ рақамларни айтиб ўтмоқчиман. Шаҳримиздаги 18 мактабнинг лойиҳа қуввати салкам 10 минг ўринга эга. Уларда эса 15 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил кўрмоқда. Мактабларнинг кўпларида ўқитиш икки сменада олиб борилмоқда, ярмида эса ўқув устахоналари ва спорт заллари йўқ, синфдан ташқари тадбирларни ўтказишда катта қийинчилик юзага келмоқда.

Мактаб жиҳозларининг сифати ва эстетик безалиши ҳам ўқитувчию ўқувчиларда ташвиш туғдиради. Мактаб жиҳозларини ишлаб чиқараётган саноат корхоналари бу муаммога алоҳида эътибор беришдари ва тезроқ киришишлари керак. Айрим эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги оқибатида ўқув қуролларидан самарали фойдаланиб бўлмаяпти. Бинобарин, шаҳар ва район халқ маорифи ҳузурида марказий ремонт хизмати йўлга қўйилиши зарур.

Ўқитувчи мактабда асосий фигура. Уларнинг маоши ошди. Афсуски, кўпгина ўқитувчилар ҳалигача ўз ишини кайта қуриб олганлари йўқ. Ўтмишдаги айрим иллат давом этяпти. Кўпгина педагогларнинг иш сифати қониқтирмайди. Моддий шароитларнинг бир хиллиги ижодий ишлаётган ўқитувчиларга ҳам зарар келтирмоқда. Қобилиятсиз, номигагина дарс беришга ўрганган муаллимлар билан жиддий гаплашиб қўйиш пайти келди. Ахир, фарзандларимизни ана шундай ўқитувчининг қўлига топшириб қўя олмаймиз-ку!

Мактабга эътибор ҳамиша ортиб бораётир. Янги авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш — КПССнинг, бутун жамиятимизнинг масъулиятли вазифаси эканлиги XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида рўй-рост айтиб ўтилди. Давр ўрта мактаб ислоҳотини изчил ва жадал амалга оширишни талаб қилмоқда. Шундай экан, ҳар биримиз ўз ўрнимизда ҳалол, виждонан ва самарали ишлашга ўрганайлик.

Ю. НУРПЕИСОВ,
Хўжайли шаҳридаги 18-ўрта мактаб директори.

● *Меҳнат аҳли хизматида*

НИМА КЕРАК? МАРҲАМАТ!

Магазин харидорлар билан гавжум. Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.
— Менга иссиқ нондан беринг.
— Марҳамат.
— Менга булочка.
— Марҳамат.

Республика пойтахтидаги Чилонзор массивининг 26-кварталида янги фирма магазини ишлай бошлади. Савдо маркази Тошкент булка-кондитер комбинати томонидан очилди. Магазин аъло хизмати билан тез кунда аҳолининг эътиборини тортди. Чунки, бу ерда ҳамма вақт турли-туман ноз-неъматларни харид қилиш мумкин. Иссиқ нон дейсизми, булочка, батон дейсизми, мазали тортларни дейсизми — истаганча сотиб олиш мумкин. Улар тўппа-тўғри комбинатдан келтирилади.

Магазин ҳузурида ҳар доим кафетерий ишлаб турибди. Иссиқ кофе, ширин-шакар шарбатлар ва бошқа ноз-неъматлардан бемалол баҳраманд бўлиш мумкин. Сотувчилар бошқа хизмат турларини ҳам кўпайтириш тадбирларини амалга оширишяпти. Улар буюртмалар асосида аҳолига турли-туман қандолатлар ҳам етказиб беришяпти.

Суратда: янги фирма магазинида.

ЎзТАГ фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

КАЙФИЯТ ВА БАРАКАТ

- Қадрдон корхона шарафи
- Футболчи дастгоҳ ёнида
- «Сельмашевец» иккинчи лигада
- Стадион ва ҳашар
- Машинасозлар фахри

Бу корхона маҳсулотларини мамлакатимиз турли бурчакларида учратиш мумкин. Гарчи ушбу корхона Чирчиқдаги йирик бирлашмалар олдида чоғроғ бўлса-да, имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, меҳнаткашлар талаб-эҳтиёжларини қондириш, муҳими, бўш вақтни оқилона уюштиришда ибрат кўрсатмоқда. Маълумки, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, ўзининг «Чимён» спорт клуби билан доврўқ таратган «Электрохимпром» ҳамда Чирчиқ трансформатор заводларида спорт-соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Энди уларнинг қаторига «Чирчиксельмаш» ҳам қўшилди...

Қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари тайёрланадиган корхона территорияси маданият ва истироҳат боғига туташ. Сўлим бу масканда дам олиш, физкультура-спорт билан шуғулланиш учун имкониятлар етарли. Боққа кираверишда эса «Сельмашевец» спорт клуби, деган йирик ёзув кўзга ташланади. Спорт комплексининг ёнида маданият саройи биноси қад ростлаган. Машинасозларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш учун ўзига хос маданий спорт комплекси ташкил этишга табиий имконият вужудга келган.

— Лекин биз ҳозирча маданий спорт комплексига эгамиз, деёлмайман. — сўз бошлади спорт комплекси директори Владимир Жемелов. — Бироз, бу борадаги ишларни уюштиришда кўпроқ спорт жиҳатларига аҳамият берямиз. Кейинчалик бадиий ҳаваскорлик коллективлари ишини ташкил этиш, турли тўгараклар очиш ниятимиз бор. Сирасини айтганда, машинасозлар ҳозирча бунга эътироз билдиришаётгани йўқ. Корхонамизда салкам 4 минг киши меҳнат қилаётган бўлса, шундан 2500 нафари кўнгилли спорт жамиятига аъзо. 1500 киши жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилган. 780 ишчи ва хизматчи спортнинг бирон тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Спорт комплекси директорининг гапларидан шу нарса маълум бўлдики, бундай катта ютуққа эришиш осон кечмаган. Айтайлик, қуруқ футбол майдончаси ўрнида беш минг томошабинга мўлжалланган стадион машинасозларнинг ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги туфайли ҳашар йўли билан қурилди. Кейинчалик корхона маъмурияти уни 10 минг киши мўлжаллаб кенгайтириш режасини ўртага ташлади. Қизиғи шундаки, стадионни қайта тиклаш ишлари икки ойга ҳам бормади.

— Бирлашма ишчилари фақат футболга мухлислик қилиб қолмай, спортнинг бир қанча турларига иштиёқ билдирмоқдалар, — деб сўзини давом эттиради Владимир Исмоилович. — Ҳозир тўртта спорт зали, эшкак эшиш базаси, теннис, волейбол майдончалари ишчилар ихтиёрида. Спортчилар иккита сауна-ҳаммомдан фойдаланишмоқда. Сузиш ҳавзаси қурилади.

Яхши шароит ютуқларга йўл очяпти. Волейболчи йигитлар командаси Тошкент область биринчилигида муваффақиятли иштирок этди. Баскетбол командамиз физкультура коллективликларини мустаҳкамламоқдалар. Уларга 4 нафар тренер ажратилган. Шаҳарликлар гимнастика, югуриш ва сузиш машғулотларига жалб этилмоқда. Умуман, спорт комплексида 10 дан ортиқ малакали тренер фаолият кўрсатмоқда. Йилига 12 нафар спорт мастерлигига номзод, 40 дан ортиқ биринчи разрядли ва юзлаб оммавий разрядли спортчилар тайёрланмоқда. ГТО нишондорлари сафи кенгайиб боряпти. Спорт комплекси хўжалик ҳисобида бўлиб, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва харажатларни қоплаш мақсадида ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Чала ишлардан бири — стадионни электр прожекторлари билан ёритиш ҳам асосан ҳал этилди. Спортчи-ю мутахассисларнинг бирдан-бир эътирози спорт анжомлари ва кийим-кечакларнинг етишмаслигидан иборат.

Биз стадионга кираверишда «Сельмашевец» футбол командасининг катта тренери Геннадий Михайлуцни учратдик. Футболчилар устози ўйинчиларга навбатдаги машқлар олдидан йўл-йўриқлар бераётган экан.

Футболчиларимиз кайфиятлари ёмон эмас, — деб сўзбошлади тренер. Бултур мавсум тугашидан уч тур илгари иккинчи лигага йўлланма олганмиз.

Ўша қизиқарли ўйин «Селмашевец»нинг «Ҳисор» билан учрашувида дарвозалар дахлсиз қолди. Ишлаб чиқариш бирлашмасининг футбол командаси физкультура коллективлари ўртасида Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлиб, кучли коллективлар сафига йўлланма олди. Энди «Селмашевец» Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон командалари қатори зона голиблиги учун курашиш, қолаверса, биринчи лигага ўтиш турнирида иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

— Ҳаммасини йўқдан бор қилишга тўғри келди, — деб ҳикояясини давом эттирди Геннадий Петрович. — Ёрдамчи тренерлар Николай Пичурин ва Виктор Осов билан ҳамфикр ва ҳамкор иш юритиб, ҳужум ва мудофаа чизиғини мустаҳкамладик. Ўйинчиларни танлаш ва тарбиялашга катта эътибор бердик. Бир томондан, ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Виктор Беляев, маҳаллий комитет раиси Борис Четин командамизни рағбатлантириб, футболчиларни руҳлантириб туришди. Ҳужумчилардан Рафиқ Аҳмедов, умидли футболчилар Вадим Любушин, Бахтиёр Тоғаев, Владимир Векварт, Василий Дегтев, Вячеслав Клочковлар ўзларини кўрсатишди.

Собиқ пахтакорчи Геннадий Михайлуц коллективларни юқори лигага олиб чиқишда тажриба тўплаган тренерлардан. У илгари Чирчиқнинг «Химик», Навоийнинг «Заҳрафшон» Хоразмнинг «Хонқа» командаларига устозлик қилган. Нариманов номли колхоз ҳамда «Хонқа» коллективларининг иккинчи лигага чиқишида жонбозлик кўрсатган. Умуман, ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Сельмашевец» футбол командаси бултур мавсумни кўтаринки руҳда бошлагани эрта баҳор кезларида маълум бўлганди. Ўшанда «Пахтакор» командасининг хотира-соврини учун курашда иштирок этган бирлашма футболчилари «Нефтяник», «Соҳибкор», «Ҳонқа», «Целинник» коллективларидан устун келиб, финалда Тошкентнинг «Трактор» командасига ютқазди. Соврин учун курашган 18 коллектив ўртасида мукофотли иккинчи ўринни эгаллаш «Сельмашевец» футболчиларининг иштиқболидан дарак берганди.

«Сельмашевец» футболчилари меҳнаткаш йигитлардан. Улар ўзларининг бўш вақтларини қадрдон коллективда, дастгоҳ ёнида ўтказадилар. Чунончи, пайвандчи Виктор Кохтарев мураккаб буюртмаларни ҳам бажаришга шай турса, Абдужаббор Ғаффоров электр-слесарликни ўрнига қўяди. Ўйинчилардан В. Папуков, В. Томилин, В. Ахмеровлар кўк машинасини бошқариб, каттакичик юмушларда мадад кордирлар. Бир сўз билан айтганда, «Чирчиксельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнаткашларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ишчилар ўртасида меҳнатга қобилиятсизлик ҳолатлари тобора камайиб, баракали меҳнат туфайли корхона план-топшириқлари муваффақиятли адо этилмоқда. Бундан эса бирлашма коллективи ҳам моддий, ҳам маънавий манфаатдор бўлмоқда.

Ҳ. НОСИРОВ.

Тошкентдаги «Динамо» стадионида ўтказилган спорт байрами кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Гимнастикачи, курашчи, ўт ўчирувчиларнинг, шунингдек хизмат итлари ўргатувчиларнинг кўргазмали чиқишлари айниқса, қизиқарли бўлди.

Суратда: ёш самбочилар тажрибали динамочиларнинг чиқишларини томоша қилишмоқда.

А. РИСҚИЕВ фотоси [ЎзТАГ].

● *Болаларингизга ўқиб беринг*

Биринчилар

Кўз ташлайди
Узоқларга,
Эргашмайди
Қолоқларга
Биринчилар.

Ўз вақтида
Дарс қилади,
Урганади
Баҳс қилади
Биринчилар.

Яхшилардан
Дўст топади,
Дилдан ширин
Сўз топади
Биринчилар.

Ўзларида
Одоб бўлар,
Юзларида
Офтоб кулар
Биринчилар.

Виждон билан
Қилса хизмат,
Улғайганда
Кўрар иззат
Биринчилар.

Яхшиликка оғдирдим

Бир ёмон болага
Дўст бўлиб қолдим...
Баъзилар ҳайратда
Қолишди олдин.
«Вой, нега ўзига
Уни кўрди эп!» —
Аччиниб-аччиниб
Сўзлашар ҳадеб.
Уларнинг ташвиши
Тўғри, ўринда,
Қашқаси бор эди
Қаншар, бурнида...
Ургандим мен унинг
Кўнглин оҳиста.
Одоб-интизомда
Экан кўп хаста.
Қаранг-ки, мен унга
Еккандай бўлдим.
Дўстлик меҳри билан
Боққандай бўлдим.
Бирга кетса йўлда
Отмоқ бўлар тош.
«Қўй, ундай қилма», деб
Қимирлатсам бош,
Тошини ташлади
Ўша заҳоти.
Йўлга тушиб борар
Хулқи-одати.
Кинолларга тушдик,
Бирга қилдик дарс,
Шахматлар ўйнадик.
Гоҳо қилдик баҳс.
Кундан кун ҳалимдай
Юмшаб борди у,
Оддий яхшиларга
Ўхшаб борди у.
Бир куни қилдик биз
Қилич-у, тўқмоқ,
Қасамёд айладик
Бўлишга ўртоқ.
Аслида эмасди
Ёмон ёки гож,
Фақат яхши гапга
Экан у муҳтож.
Ўйнга борсам-чи,
Хурсанд ойиси.
Меҳмон қилар роса,
Бор-да бойси.
Яхши сифатлари
Кўп-да ўзида,
Ёлғон гапирмас ҳеч
Турар сўзида.
Яхшилик томонга
Ахир, оғдирдим.
Қилган хизматим шу:
Кўпга ёқтирдим.

Турналарга қойилман

Эй, турналар, турналар,
Бормн мактаб, синфингиз!
Мени солди ҳайратга
Интизом-тартибингиз.
Қатор бўлиб борасиз,
Сира четга чиқмасдан,
Устозингиз кетидан
Учасиз ошиқмасдан.
Шу учишда самода
Сайрайсиз чуғур-чуғур.
Тушунмасман, эҳтимол,
Маъноси бордир чуқур.
Жон-жон дея учардим
Бўлсайдим сафингизда,
Таълим олгим келади
Сизнинг мактабингизда.

Пўлат МУМИН.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Электротехника саноати министрлигининг «СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

«Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори — Тошкент электротехника заводи директори

ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда олий техника ёки инженер-иқтисодчи маълумотига эга бўлган, ёши 50 дан ошмаган, шунингдек мазкур соҳада раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил ишлаган, саноат ишлаб чиқариши экономикасини яхши билувчи, хўжалик юритишнинг замонавий методларидан хабардор бўлган кишилар қатнаша оладилар.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: ариза, кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, маълумот ҳақидаги дипломнинг нусхаси, сўнгги иш жойидан характеристика.

Конкурс муддати — 28 январгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700105, Тошкент шаҳри, Манжара кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлими. Телефонлар: 91-29-83, 91-20-45.

АНДИЖОНДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ «АНДИЖАНИРМАШ» ИРРИГАЦИЯ МАШИНАЛАРИ ЗАВОДИ

Ўрта Осиё, Закавказье, РСФСР ва Украинанинг ўзлаштириладиган қишлоқ хўжалиги деҳқончилиги ерларида I—II категориядаги тупроқ юзасида қурилиш ва эксплуатацион планировка қилиш учун мўлжалланган Т-130М тракторига бириктириладиган **ДЗ-602А планировка қилувчи машиналарини**

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ФОНДСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

ДЗ-602А планировкачи машинаси 23389-78 ГОСТига мувофиқ келади.

Ерни эгаллаш кенглиги 4,5 м., чўмичининг ҳажми 5 куб. метр.

ДЗ-602А планировкачи машинасининг узунлиги ишлаш ҳолатига келтирилган пайтда — 14240 мм., кенглиги 4622 мм., баландлиги — 2040 мм., бурилиш минимал радиуси — 15 м, бир марталик юриб ўтишида иш вақтида техник меҳнат унумдорлиги камида 1,7 га/соат, вазни — 5600 кг., солиштирма қуввати — 69,4 киловатт соат-га.

Комплект таркибига — ДЗ-602А планировкачи машинаси (чўмичи билан ва чўмичсиз), эҳтиёт қисмлари, асбоблари киради.

Ўртача 150 соат мобайнида тўхтовсиз ишлаши мумкин.

Битта ДЗ-602А планировкачи машинасининг баҳоси — 4440 сўм.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 710015, Ўзбекистон ССР, Андижон шаҳри, Индустриальная кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 6-26-56, 6-21-71

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА ҚОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКЕНТТУРИСТ» ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Совет Иттифоқи шаҳарлари, шунингдек Ўрта Осиё шаҳарлари бўйлаб саёҳатларга чиқиш учун туристик путёвкалар сотиб олиш юзасидан

Шартномалар тузади

Қишлоқ меҳнаткашлари учун Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига қизиқарли бир кунлик экскурсиялар уюштириш ва маданий программа кўзда тутилган.

Адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69 «а» уй.

Телефонлар: 44-12-94 ва 44-12-92 (экскурсия ташкилотчилари).

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

чет тиллар кафедрасида хорижий тилларни (инглиз, немис, француз) **ўрганиш бўйича**

Шунингдек қуйидаги ихтисосликлар бўйича

пулли курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Иссиқлик двигателлари, йўл ва қурилиш машиналари, автомобиль транспортидан фойдаланиш, автомобиль йўллари қурилиши, транспорт ва алоқа экономикаси, уни планлаштириш ва бошқаришни ташкил этиш.

Машғулотлар 1989 йил I февралдан бошланади.

Сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича чет тиллар кафедрасига мурожаат қилишингиз мумкин. Телефон: 55-63-96.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг «Промжилводстрой» трести ва ишлаб чиқариш-технология комплектацияси бошқармаси (УПТК) ТУГАТИЛДИ

Даъволар 28 январгача қуйидаги адресда қабул қилинади: 702312, Нариманов шаҳри, «Водник» массиви 4-алоқа бўлими, «Промжилводстрой» трести.

2-ТОШКЕНТ АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ

(702050, Тошкент области, Калинин райони, Хонобод посёлкаси, Транспорт кўчаси, 53-уй. Телефон: 90-33-85).

Ремонт қилинадиган маҳсулотлар: «ЛАЗ-695», «ЛИАЗ-677», «ПАЗ-672», «ЛАЗ-4202» автобуслари номенклатураси бўйича 1988 йил I июлга қадар тоширилган ремонт фонди

БУЮРТМАЛАРИНИ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗАДИ

Инвентаризациян ўтказиш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Буюртмачилар келишмаган тақдирда буюртмалар бекор қилиниб, ишлаб чиқаришдан олиб ташланади.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Цирнда арча» томошалари** (17, 19.30).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти коллективи институтнинг илмий ходими Х. Қодирийга отаси

Ҳабибулла ҚОДИРИЙнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими, Тил ва адабиёт институти коллективи институт директори Б. А. Назаровга онаси

Ҳузро ҚОДИР қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари республика илмий методик маркази коллективи шу марказ директори К. В. Зоҳидовга онаси

Ойша Акромовна ЗОҲИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти коллективи иқтисодий кибернетика кафедрасининг доценти

Жақсилик МОЛДАБЕКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Республика ихтисослашган «Ўзтрансспецстрой» бирлашмаси коллективи Қўқон бошқармаси бошлиғи И. Х. Сангиновга онаси

Раҳимахон САНГИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ранг-баранг олам

ИТАЛИЯ:

ҚУЛАЁТГАН МИНОРА АҲВОЛИ

Пизадаги қулаётган машҳур минора ўтган йили ўз ўқидан яна 1,27 миллиметр қийшайди. Мазкур қадимий ёдгорликни кузатиб бораётган экспертлар группаси раҳбари Жузеппе Тоньолонинг хабар қилишича, бу минора сўнгги 60 йил ичида йилига ўрта ҳисобда худди шу ҳажмда қийшайган. Миноранинг оғиши баъзан бундан камроқ ёки кўпроқ бўлган. Агар шу ҳолат сақланиб қолса, минора қийшайган ҳолда яна 100-150 йил туриши мумкин, деб таъкидлади Жузеппе Тоньоло. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирча минора ҳолати ташвиш туғдираётгани йўқ. Миноранинг оғиши йилига ўрта ҳисобда икки миллиметрдан кўпайгандагина хавотирланса арзийди.

ЯПОНИЯ:

ЧАНҒИЧИ — РОБОТ

Жажжигина чанғичи кишиларни лол қолдириб, қор қоплаган тиқ қияликлардан шиддат билан учиб бормоқда. Слаломнинг мураккаб трассасидан ўтгандан кейин у астасекин тўхтади, шундан сўнг рўпарамизда робот турганн маълум бўлди.

Бу янгилик Нигата шаҳридаги «Дзиозцу» педагогика институтининг профессори Мотиноси Миура томонидан яратилган. Бу «электрон чанғичи»га «Роботаро» деган ном берилди, унинг вазифаси чанғида учаётган спортчининг мураккаб ҳаракатларига «тақлид» қилиш ва чанғида пастликка учиб тушишнинг рационал программасини белгилашдан иборат.

Жисмоний тарбия ва биомеханика соҳаси мутахассиси бўлган профессор М. Миурани фикрича, у яратган автомат чанғи базаларида ишлаётган тренерлар учун яқин ёрдамчи бўлиши мумкин. Робот алюминий қотишмасидан тайёрланган бўлиб, уни электр батарейкалари ҳаракатга келтиради.

Редактор У. УСМОНОВ.

• Тингланг, томоша қилинг!

5 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Ҳужжатли фильмлар. 9.25 — Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. 11.25 — Янгиликлар. 11.35 — «Бировнинг олтини». Бадиий фильм, 4-серия. 12.25 — АВВГДейка. 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Қайта қуриш прожектори. 16.15 — Ҳужжатли фильм. 16.45 — Музикали хазина. 17.20 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.05 — Мультфильм. 18.35 — «Доломит» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори ҳақида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15— Ҳужжатли фильм. 23.05 — АВВГДейка. 23.20 — Концерт.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Мусиқавий дам олиш онлари. 9.40 — Уфқ. 10.15 — Болалар учун фильм. 11.20 — Испан тили. 11.50 — Янгиликлар. 12.00 — Испан тили. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Концерт. 13.20 — «Трест» операцияси». Бадиий фильм, 2-серия. 17.35 — Янгиликлар. 17.45 — «Трест» операцияси». Бадиий фильм, 3-серия. 19.10— Мультфильм. 19.20 Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар!. 20.45 — Сиғга куйлаб бераман. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Трест» операцияси». Бадиий фильм, 3-серия.

ЎзТВ-I. 18.15 — Кинолавҳа. 18.25 — Иқтисодий шарҳ. 19.05 — Телефильм. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Бизнинг интервью 20.30 — Ахборот. 20.50 — Барҳаёт наволар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Барҳаёт наволар (давоми). 23.05 — «Синчалак». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Виждон». Бадиий фильм. 20.50 — Реклама. 21.00 — «Тошкент» студияси кўрсатади. Душанба. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Концерт. 22.50 — «Борис Годунов». Бадиий фильм, 2-серия.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Кўнгил таронаси». 9.30 — Оркестр куйлари. 9.45 — Советлар ва қайта қуриш. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Повестдан парча. «Антиқа даргоҳ». 13.00 — Малиш. 13.30 — Концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.00 — Гидрометеорологлар учун эшиттириш. 15.40 — «Қор ёққан тун». Радиоинсценировка. 17.00 — Ўзбекистон халқ артисти М. Қориёқубов туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган юбилей кечаси. 18.15 — Жаҳон сиёсатининг актуал масалалари. 18.30 —Концерт. 19.20 — «Юность Узбекистана». 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — «Элга хизмат — олий ҳиммат». 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.45 — Н. Н. Тўхтаева куйлайди. 23.00 — «Оқшом тўлқинларида».

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 07506. Б. — 4. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12